

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЁТ  
ФАКУЛЬТЕТИ**

**“Иқтисодиёт” кафедраси**

**5230100-Иқтисодиёт таълим йўналиши**

**53-16 гуруҳ талабаси**

**Сарибоев Жасур Мурод уғлининг**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР  
ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИНГ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ”(Сирдарё ЭИЗ мисолида)**

**Илмий раҳбар: Абдувоҳидов А.**

**Бажарди: Сарибоев Ж.**

**Гулистон-2020**

## МУНДАРИЖА

Кириш.....3

**I боб. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар, уларни ташкил этилишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.....**

1.1 Ўзбекистонда инвестицион жараёнларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари

1.2. Эркин иқтисодий зона: мазмун-моҳияти, асосий шакллари, ташкил қилиниш сабаблари

1.3. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг жорий ҳолати

**II боб. Эркин иқтисодий зоналарни ташкиллаштириш ва ривожлантиришда хориж тажрибасининг ўрни**

2.1. Хорижий давлатларда эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш ва улар фаолиятини ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

2.2. Эркин иқтисодий зоналарнинг тадбиркорлик субъектлари экспортида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдаги тизимли муаммолар таҳлили

**III боб. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг стратегик аҳамияти (Сирдарё ЭИЗ мисолида)**

3.1. Сирдарё ЭИЗ фаолиятини такомиллаштириш мисолида Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

3.2. Сирдарё ЭИЗ фаолиятини янада такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари

3.3. Сирдарё ЭИЗ фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш истиқболлари

3.4. Битирув олди амалиёти иши

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## КИРИШ

**БМИ мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.** Глобаллашув жараёнларини кучайиши, тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида инвестицияларга бўлган талабни ўсиши натижасида катор муаммоларнинг илмий ечими юзасидан мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун халқаро андозаларга мос ҳуқуқий меъёрларни шакллантириш, мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни кўпроқ жалб этиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни, янги технологиялар, маҳсулот ва хизматлар соҳаларини яратиш, инновацион иқтисодиётни жадал ривожлантириш орқали иқтисодий ўсиш сифатига йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган. “Биз инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз... Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин.

Бу борада эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим. Биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларга ва чет эллик инвесторларга шундай имконият яратиш керак”<sup>1</sup>.

Бугунги кунда дунёда ўз ҳудудининг катталиги, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун очиқлиги, аҳамияти ва шакли бўйича ЭИЗнинг мингдан ортиқ кўринишлари мавжуд бўлиб, мазкур зоналар иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг ўзига хос мультипликатори ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент.// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5412-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 196-сонли Қарори ҳамда инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунгача ЭИЗлар фаолияти иқтисодий-географик ва иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган бўлсада, илмий-техник томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига таъсири атрофлича тадқиқ қилинмаганлиги мазкур тадқиқот ишимизнинг долзарблигини кўрсатади.

**БМИ объекти-**“Сирдарё” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5412-сонли Фармони билан ташкил этилган “Сирдарё” ЭИЗси фаолияти тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади.

**БМИ предмети-**“Сирдарё” ЭИЗ фаолиятини ўрганиш асосида мамлакатимизда фаолият юритаётган ЭИЗ фаолиятини такомиллаштириш. Ушбу жараёнда замонавий ахборот коммуникация технологиялари (АКТ)дан фойдаанишнинг ўзига хослиги.

**БМИнинг мақсади-**илғор хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда, Сирдарё ЭИЗ фаолиятини такомиллаштириш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**БМИнинг вазифалари:** Тадқиқотда қўйилган асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **вазифалар белгиланди:**

✓ Ўзбекистонда ЭИЗ фаолияти бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослари билан танишиб чиқиш;

✓ Ўзбекистонда ЭИЗ, шу жумладан Сирдарё ЭИЗ фаолиятининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

✓ хорижий давлатларда ЭИЗ фаолиятини ривожлантиришга сабаб бўлган жараёнларини таҳлил қилиш;

✓ ушбу соҳа ўйича хориж давлатларининг тажрибаларини таҳлил қилган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқиш;

✓ ЭИЗларни, шу жумладан Сирдарё ЭИЗ такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.

**БМИ мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи.** Алоҳида иқтисодий ҳудудлар ва хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш сифатига таъсирини тадқиқ этган ғарб ва россиялик иқтисодчи олимлар қаторига: Й.Шумпетер, Дж.Кейнс, Р.К.Харрод, К.Макконел, С.Брю, Ван Лу, Р.А.Нуриев, Н.И.Иванова, В.Л.Тамбовцев, И.А.Погосова, Н.Яшин<sup>2</sup>(1977) ва б. киритиш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.В.Ваҳабов, Х.П.Абулқосимов, Т.Т.Жўраев, Ж.А.Муминов, С.В.Чепель, М.Каримовларнинг<sup>3</sup> илмий

---

<sup>2</sup> VanLoo, F.(1977). ‘The Effect of Foreign Direct Investment on Investment in Canada’. Review of Economics and Statistics, 59 (4): 474-81.

<sup>3</sup> Ваҳабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибокиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики/Под ред. д.э.н., проф. А.В. Ваҳабов – Т.: Молия, 2011.- 300 с. Абулқосимов Х. П, Расулов Т.С.

изланишларида инвестицион муҳит ва инвестицион салоҳиятни ривожлантиришининг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш, иқтисодий-ни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодийда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестициялардан ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим воситаларидан бири бўлган ЭИХлардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича атрафлича тадқиқотлар олиб борилган<sup>4</sup>.

**БМИда қўлланилган услублар.** Ушбу диссертация ишида билиш, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилган.

**БМИ натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Муаллиф томонидан олинган илмий ва амалий хулосалардан ЭИЗлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш йўналишларини асослаш, ЭИЗларнинг институционал асосларини такомиллаштиришда, шунингдек ҳудудий инвестицион дастурларни шакллантиришда услубий асос сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида “Минтақавий иқтисодий”, “Хорижий инвестициялар” каби фанларни ўқитишда амалий материаллар сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Тадқиқот ишини бажаришда олинган хулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда қўл келади.

**БМИнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

---

Особенности научно-технической и инновационной политики стран СНГ, Ближнего и среднего Востока -Т.: «ТашГИВ», 2017.- 380 с., Юлдашев Г.Ш, Иностранные инвестиции как фактор экономического роста и либерализации национального воспроизводства Республики Узбекистан. Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора экономических наук., -Ташкент 2001.

<sup>4</sup> «Состояние и перспективы развития свободных экономических зон в Республике Узбекистане» аналитический доклад. ИПМИ и ПРООН.Ташкент-2015.

# **I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР, УЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Ўзбекистонда инвестицион жараёнларнинг ташкилий-хуқуқий асослари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари**

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг муҳим жиҳат-миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб бориши натижасида халқаро майдонда рақобатнинг кескинлашуви ва ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига олиб келмоқда. Бу курашда миллий иқтисодиётга кўпроқ миқдорда хорижий инвестицияларни жалб этиб, иқтисодиётда модернизация ишларини ташкил этган мамлакатлар юқори ривожланиш даражаларига эришиб жаҳон рақобатида устунлик қилмоқда. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси жаҳон инвестиция бозоридан кўпроқ миқдорда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиши учун халқаро молия институтларига аъзо бўлиб, инвестицион фаолият муносабатларини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириб халқаро нормаларга мувофиқлаштириши лозим.

Иқтисодчи олимлардан А.Ваҳабов, Ш.Хожибақиев, Н.Мўминовлар инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: “Инвестиция муҳити - бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити мажмуали, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция

суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга”<sup>5</sup>.

Ҳар қандай давлатга инвестицияларнинг кириб келиши ва ривожланиши мазкур мамлакатдаги инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар асосан 4 та гуруҳга бўлиниб, улар ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни ташкил этади. Ҳар бир мамлакатда инвестиция муҳити, биринчи навбатда, унинг сиёсий барқарорлигида намоён бўлади. Худди ана шу омил хорижлик инвесторларга узоқ муддатли шартномалар асосида бошқа мамлакатга ўз ресурсларини киритиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги”<sup>6</sup>, “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>7</sup>ги, “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>8</sup>ги Фармони қабул қилинди. Қабул қилинган Фармонлар қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

“Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>8</sup>ги

---

<sup>5</sup> Ваҳабов А.В., Хожибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.-Т.: “Молия”, 2010.-Б.153.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 5 октябрида ПФ-4848 сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир кўшимча чора – тадбирлар тўғрисидаги” Фармони

<sup>7</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 йил., 06/18/5495/1611-сон.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614 сон Фармони



Фармонга кўра яқин истиқболда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш чора-тадбирлари этиб қуйидагилар белгиланди:

✓ инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш;

✓ жаҳоннинг илғор амалиётини инобатга олган ҳолда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар стратегияси ва Инвестиция кодексини қабул қилиш;

✓ хорижий инвестицияларни, авваламбор, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилувчи тизимли масалаларни аниқлаш бўйича чоралар кўриш;

✓ хорижий инвесторлар билан ишлашнинг институционал базасини янада такомиллаштириш;

✓ МИЗлар фаолияти самарадорлигини ошириш<sup>9</sup>.

Бироқ бугунги кунда мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишда миллий иқтисодиётда бозор инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги (банклар, инвестиция (венчур) фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш) ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш ҳамда тадбиркорларда инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция жозибadorлигини оширишда “Ҳаракатлар стратегияси”нинг халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш бўйича белгилаб

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сон Фармони

олинганвазифалардан келиб чиқиб “Ўзбекистоннинг инвестицион портали”<sup>10</sup> ташкил этилди.

Инвестицион портал саккиз тилда берилган бўлиб, унда инвесторлар мамлакатимизнинг ва унинг минтақаларининг инвестицион салоҳияти, хом-ашё ресурслари, экспорт ва импорт имониятлари, инфратузилмаси, хом-ашё нархлари, коммунал хизматлар, демографик кўрсаткичлар ва инвестицион қарорлар қабул қилиш учун керакли қўшимча маълумотларни олиши мумкин. Порталда республикамізда фаолият олиб бораётган ЭИЗлар, КСЗ тўғрисида ва уларнинг жойлашувини кўрсатувчи интерактив карта ишлаб чиқилган. Инвесторларнинг ишончини ошириш ва инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида хорижий инвестицияли корхоналардаги мавжуд муаммолар юзасидан онлайн режимида хабарнома жўнатиш учун анкета жойлаштирилган. Хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик ўрнатмоқчи бўлган республикаміз корхоналари раҳбарлари учун алоҳида бўлимлар очилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>11</sup>ги Фармониға асосан Ташқи савдо вазирлиги ва инвестициялар бўйича давлат қўмитаси негизида “Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги” ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича қонунчилик тизими такомиллаштирилиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестицион фаолият тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни Ўзбекистонда инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш, лойиҳаларни шакллантиришнинг бутунлай янги механизми бўлиб ҳисобланади. Қонунға кўра давлат инвестиция дастурлари Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари деб юритила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари - бу узоқ муддатли истиқбол учун тасдиқланадиган, тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепциялари асосида шакллантирилган ҳамда мамлакат

---

<sup>10</sup> [http://lex.uz/law\\_collection/3232](http://lex.uz/law_collection/3232).

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>11</sup>ги ПФ-5643-сон фармони.

иқтисодиётини барқарор ва изчил ривожлантиришга эришишга, мавжуд табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий, меҳнат ресурсларидан ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш йўли билан мамлакат иқтисодиётининг айрим тармоқлари ҳамда минтақаларини тузилмавий жихатдан ўзгартириш бўйича асосий устуворликлар ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ўзаро узвий боғлиқ бўлган чоралар мажмуидир.

“Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонга мувофиқ республикада чет эл инвесторларига қуйидаги имтиёзлар яратилди:

✓ чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорини 30 фоиздан 15 фоизгача камайтириш;

✓ чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

✓ чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондининг энг кам миқдорини 600 млн. сўмдан 400 млн. сўмгача камайтириш;

✓ чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдорини уч бараварга камайтириш;

✓ акциядорлик жамиятлари устав фондининг энг кам миқдорини 400 млн.сўм миқдорида белгилаш маъқулланди<sup>12</sup>.

Инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 8 500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда хўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, хорижий корхона ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини

---

<sup>12</sup> <http://lex.uz/docs/3845273>

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилди<sup>13</sup>.

Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш 2020” (Doing Business 2020) йиллик рейтингда Ўзбекистон 2019 йил якунлари бўйича 100 балдан 69,9 балл тўплаб, 190 мамлакат орасида 69-ўринни эгаллади. Жаҳон банки экспертларининг фикрига кўра, Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилашдаги асосий ислоҳотлар қуйидагилар:

- энг муҳим корпоратив қарорларда акциядорлар ҳуқуқлари ва ролини кенгайтириш, мулкчилик ва бошқарув тузилмаларини аниқлаштириш, шунингдек корпоратив шаффофликни ошириш орқали **миноритар инвесторлар ҳимоясини** кучайтириш;

- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларини даромад солиғи билан бирлаштириш орқали **солиққа тортиш**-ни соддалаштириш;

- хавфга асосланган божхона назорати механизмини жорий этиш орқали **халқаро савдо**ни соддалаштириш, шунингдек, импорт ҳужжатларига талабларни енгиллаштириш;

- ихтиёрий медиация тўғрисидаги қонунни қабул қилиш орқали **шартномалар ижросини соддалаштириш**, шунингдек, тарафларни низоларни медиация орқали ҳал қилишга ундаш учун молиявий рағбатлар яратиш.

Ўзбекистон “Тўловга лаёқатсизликни ҳал қилиш” индикаторидан ташқари рейтингнинг деярли барча кўрсаткичлари бўйича кўрсаткичларни яхшилади:

- Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш -96,2 балл, + 0,2% (глобал рейтингда 8-ўрин);

- Курилиш учун рухсатномаларни олиш - 61,7, + 0,3% (132-чи);

- Электр таъминоти тизимига уланиш -86,9, + 0.9% (36-чи);

- Мулкни рўйхатга олиш - 67,9, + 0,9% (72-чи);

---

<sup>13</sup> <http://invest.gov.uz/uz/investor/sez-i-mpz/>

- Кредит олиш-65, ўзгаришсиз (67-чи);
- Миноритар инвесторларини ҳимоя қилиш -70, + 8% (37-чи);
- Солиққа тортиш - 77,5%, + 0,6% (69-чи);
- Халқаро савдо - 58,2, + 8,4% (152-чи);
- Шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш - 71,9, + 3,7% (22-чи);
- Тўлов қобилиятсизлигига рухсат бериш — 43,5, -1,7% (100-чи).

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”даги Қарори билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, шунингдек, республиканинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизими жорий этилди<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитни шакллантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, давлат, корхоналар ва аҳоли томонидан жамғаришни рағбатлантирадиган механизм ва инструментларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар аниқланди:

✓ инвестицион ресурсларни тақсимлаш соҳасида чеклашлар ва иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантиришда инвестицияларни рағбатлантириш, хусусий мулкни дахлсизлиги кафолатларини мустаҳкамлашда давлатнинг ролини ошириш орқали мувофиқлаштириш;

✓ инвестицияларни жалб этиш ва бизнесни юритиш шарт-шароитларини (қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини, кредит ресурсларга эришиш имкониятларини, кредитлаш ва халқаро савдо соҳаларидаги

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”даги ПҚ-4210-сонли қарори

расмиятчиликларни соддалаштириш ва такомиллаштириш орқали) таъминлаш;

✓ худудий сиёсатда худудларга инвестицияларни жалб этиш ва уларни ўзлаштиришда солиқ переференцияларини, худудда қолаётган солиқ тушумлари улушини ўсишида кенг имтиёзлар бериш бўйича норматив базани такомиллаштириш билан бир вақтда маҳаллий хокимият органлари томонидан қабул қилаётган қарорлар бўйича маъсулиятларини ошириш;

✓ бизнесни юритиш ва инвестициялар жалб этиш шарт-шароитларни яхшилаш йўналишида солиқ маъмурчилиги, антимонопол сиёсат, валюта ва кредит бозорлари, рақобатни ривожлантириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни интеграциялаш соҳаларида самарали маъмурий ислохотларини ўтказиш.

✓ хорижий инвестицияли корхоналар томонидан ЭИЗларга, устувор соҳалар ва худудларга инвестиция қилганда қўшимча имтиёз ва переференциялар бериш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш. Қўшма корхоналар раҳбарларига ва уларнинг инженер-техник ходимларига визалар олиш амалиётини соддалаштириш ва уларни ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари хизматларидан фойдаланишда қулайликларни таъминлаш;

✓ инвестицияга оид миллий қонунчиликни халқаро ва минтақавий стандартларга уйғунлаштириш, Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий чораларнинг кўрилаётганлиги, халқаро тажрибада инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича турли модели ҳуқуқий тартибга солиш усулларида фойдаланиш, рақамли инвестицияни жалб этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратилиши билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш, ўз навбатида, инвестиция ва инвестицион фаолиятга оид қонунчиликни унификациялаш;

✓ хорижий инвестицияли корхоналар учун макроиқтисодий, қонунчилик ва маъмурий шарт-шароитларни ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда барқарор солиқ қонунчилиги тизимини жорий этиш ҳамда

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш дастурини ишлаб чиқиш ва унда янги ЭИЗларни фаолиятини ташкил этишда халқаро ва миллий нормаларни ҳисобга олиш;

✓ истиқболли илмий ишланмаларни тажрибадан ўтказиш, жорий этиш ва саноат миқёсида ўзлаштириш учун уларни молиялаштиришнинг самарали механизмини яратиш, биринчи навбатда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаётган ва уни жорий этаётган юқори технологик тармоқларга ва корхоналарга қўшимча рағбат ва имтиёзларни бериш. Шу муносабат билан “Илмий ва инновацион фаолият тўғрисида” қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Фан сиғимкорлиги юқори бўлган саноат тармоқларига, инновацион корхоналарга турли молиявий қўллаб қувватлаш тизимларини жорий этиш орқали, хорижий инвестицияларни жорий этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларини ишлаб чиқиш лозим.

✓ хўжалик субъектларига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни молиялаштириш учун керакли бўлган молиявий ресурсларни муомала жараёнига қимматли қоғозларни чиқариб уни фонд биржаларига жойлаштириш орқали олишни рағбатлантириш керак;

✓ мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турларини, маҳсулотларнинг сертификатлаш қоидалари ва талабларини қайта кўриб чиқиш, шу билан бирга, импорт ва экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг сертификатларини ўзаро тан олинишини таъминлаш процедурасини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

## **1.2. Эркин иқтисодий зона: мазмун-моҳияти, асосий шакллари, ташкил қилиниш сабаблари**

Жаҳон иқтисодий муносабатлар тизимида ЭИЗлар асосан халқаро савдони жадаллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, технологиялар алмашинуви, ахборот алмашиш ва интеграциялашган иқтисодий

жараёнларни чуқурлаштириш туфайли жадал иқтисодий ўсиш омили сифатида намоён бўлади.

ЭИХларни ташкил этиш борасидаги ёндашувларни таҳлил қилган ҳолда, тадқиқот ишимиз доирасида ЭИЗларнинг типологик тавсифи ишлаб чиқилди (1-жадвал).



## Алоҳида иқтисодий ҳудудларнинг типологик тавсифи (муаллифлик ёндашуви)

АИҲ тип	Типологик белгилар						Имтиёзлар тизими
	Мақсад	АИҲ объектлари	Иқтисодиётга интеграциялашув даражаси		АИҲларнинг тармоқ белгиси		
			Экстравертив	Интровертив	Ихтисослашган	Кўп профилли	
Саноат-ишлаб чиқариш	Экспорт ва маҳаллий бозорлар учун чуқур қайта ишланган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Ер участкалари	Экспортга мўлжалланган чуқур қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга инвестициялар	Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларга инвестиция киритиш	Маълум бир ишлаб чиқаришга ихтисослашган	Қайта ишловчи ишлаб чиқаришларнинг ҳар қандай кўриниши	Солиқ Молиявий Маъмурий Божхона (келишувлар бўйича)
Техникавий жорий этувчи	Янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришга жорий этиш	Ер участкалари, жамоавий фойдаланиш марказлари, бинолар	“Технологиялар импорти” ҳисобига резидентларни технологик жихатдан қуроллантириш учун шарт-шароитлар яратиш	Ҳудуд корхона ва ташкилотларининг илмий ишланмаларини тижоратлаштириш	Технологик жихатдан ихтисослашув	Устувор технологик йўналишлар келишув асосида аниқланади	Солиқ Молиявий Маъмурий Божхона (келишувлар бўйича)
Туристик-рекреацион	Туризм, санатория-курорт соҳаси ва аралаш тармоқларни ривожлантириш	Ер участкалари	Халқаро туризм марказларини яратиш	Замонавий туристик-рекреацион ёки курортлар мажмуасини шакллантириш	Факат туристик соҳага ихтисослашув, туристик хизмат турлари бўйича чекловлар йўқ		Солиқ Молиявий Маъмурий
Порт	Транспорт-логистик инфратузилмани ривожлантириш ва экспортчи корхоналар учун кўшимча рағбатлар яратиш	Ер участкалари	Асбоб-ускуна ва бутловчи қисмларни импорт қилиш. Товарларни олиб чиқишда бож тўловларидан озод қилиш	Товарлар экспорти. Товарларни олиб чиқишда бож тўловлари ва ҚҚСдан озод қилиш	Маълум бир маҳсулотларни ташиш ёки порт хизматлари	Комплекс транспорт-логистика зонаси	Солиқ Молиявий Маъмурий Божхона (келишувлар бўйича)

ЭИХларни ташкил топишида иккита концептуал (худудий ва функционал) ёндашув қўлланилади. Биринчи ёндашувда барча резидент корхоналар хўжалик фаолиятининг имтиёзларидан кенг фойдаланса, иккинчи ёндашувда эса резидент корхоналар мамлакатнинг қайси туманида жойлашишидан қатъий назар тадбиркорлик фаолиятининг маълум кўринишлари бўйича имтиёзли режимлардан фойдаланиши мумкин холос.

Махсус худудлар умумий худуддан ташқарига чикувчи алоҳида йирик компаниялар учун ташкил қилинади. Уларда экспорт учун ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилади.


Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш худудлари иккинчи авлод худудлари ҳисобланади. Уларда ЭСХга фақат товар эмас, капитал олиб кирилиши, шунингдек савдодан ташқари ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланилиши мумкин. Бундай худудларда экспорт учун ёки импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилади, ҳамда солиқ ва молиявий имтиёзларга эга бўлади.

Экспорт ишлаб чиқариш худудлари (ЭИЧХ) айниқса ривожланаётган давлатларда кенг тарқалган, замонавий модели 1959 йилда Ирландиянинг Шеннон аэропортида ташкил қилинган. Бундай худудлардан ҳозирги кунда “янги индустриал давлатлар” катта самара кўрмоқда. Ташкил топиши мантиқан олганда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқ. 50-60-йилларда ривожланаётган мамлакатларда саноат экспортини рағбатлантириш ва хорижий капитал оқими ёрдамида бандлик даражасини ошириш зарурати туғилган эди.

Жаҳон иқтисодиётида техника киритиш худудлари учинчи авлод худудлари ҳисобланади (70-80-йиллар). Улар стихияли тарзда давлат ёрдамида йирик илмий марказлар атрофида ташкил топиши мумкин. Уларда ягона солиқ ва молиявий тизимдан фойдаланувчи миллий ва хорижий тадқиқотчилар, лойиҳачилар, илмий-ишлаб чиқариш фирмалари фаолият кўрсатади. Ҳозирги кунда техника киритиш худудлари асосан, АҚШда

технопарклар, Японияда технополислар, Хитойда янги ва илғор технология ҳудудлари шаклида фаолият кўрсатмоқда.

ЭИЗларнинг амалда бўлиш шакллари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Эркин иқтисодий зоналарнинг амалда бўлиш шакллари.

Жаҳон иқтисодиётида турли молиявий, иқтисодий, суғурта ва бошқа соҳалар бўйича хизмат кўрсатувчи фирма ва ташкилотлар учун тадбиркорлик фаолиятининг имтиёзли шароитлари яратиладиган ҳудудлар сервис ҳудудлар деб аталади. Сервис ҳудуд қаторига оффшор ҳудудлар (ОҲ) ва солиқ гаванлари (СГ) киради. ОҲ ва СГлар тадбиркорларни қулай валюта-молия ва фискал шароитлар, банк ва тижорат сирларининг яхши сақланиши ҳамда давлат бошқарувининг камлиги билан ўзига жалб қилади.

ОҲда рўйхатга олинган солиқ ва бошқа имтиёзларга эга бўлган компанияларга қўйиладиган асосий талаб - оффшор марказ жойлашган давлатнинг резиденти бўлмаслик ва бу давлат ҳудудида даромад олмасликдир.

СГнинг оффшор ҳудудлардан фарқи шундаки, у ердаги фирмалар (хорижий ва маҳаллий фирмалар ҳам) фаолиятининг барча турлари ёки шуғулланишда имтиёзларга эга бўлади.

Оффшор компаниялар фаолият кўрсатаётган давлатлар қаторига Лихтенштейн, Панама, Нормандия ороллари, Мэн ороллари (Британия), Антил ороллари, Гонконг, Мадейра, Либерия, Ирландия, Швейцария ва бошқалар киради. 80-йилларда ушбу давлатлар қаторига Мальта, Маврикия, Ғарбий Самоа, Исроил, Малайзия (Лабуан ороли) ва бошқалар ҳам қўшилган.

ОҲларда саноат, савдо, банк суғурта ва бошқа компаниялар умуман солиққа тортилмайди (Ирландия, Либерия) ёки кичик миқдордаги солиқлар тўлайди (Лихтенштейн, Антил ороллари, Панама, Мэн ороли ва бошқалар).

Масалан, Швейцарияда оффшор бизнесга нисбатан кам солиқ миқдори белгиланган. Бу солиқ маълум ҳолатларда умуман тўланмаслиги ҳам мумкин. Шунингдек, ОҲ валюта чеклашларининг йўқлиги билан, даромадни олиб чиқиш эркинлиги, хорижий инвесторлар учун божларнинг йўқлиги билан ҳам ажралиб туради. ОҲларни ташкил қилувчи давлатлар қўшимча хорижий капитал жалб қилиш, рўйхатга олинган корхонадан фойда олиш, маҳаллий мутахассислар учун қўшимча иш жойларини ташкил қилиши орқали фойда кўради. Одатда, оффшор бизнес банк суғурта иши, денгиз кемачилиги,

кўчмас мулк операциялари билан трест фаолияти, экспорт-импорт операциялари билан консалтингда жамланади.

Турли кўринишдаги ЭИХларнинг ўхшаш томонларидан бири тадбиркорлар учун молиявий ва божхона, солиқ имтиёзлари, шунингдек умумий тартибга нисбатан устунликка эга бўлган қулай инвестиция иқлимининг мавжудлигидир.

Имтиёз ва рағбатлантиришлар баъзи жиҳатлари билан фарқ қилиб, уларни тўрт асосий гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин:

**ташқи савдо имтиёзлари.** Бунга алоҳида божхона-тариф режими кириб (экспорт-импорт божларини камайтириш ёки бекор қилиш) унда ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартиблари соддалаштирилади;

**солиқ имтиёзлари.** Бунда фаолиятнинг маълум кўринишлари солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантирилади. Яъни солиқ базаси (даромад, мулк қиймати ва ҳ.к.лар), шунингдек унинг таркибий қисмлари (амортизация ажратмалари, иш ҳақиға харажат, транспорт), солиққа тортилишдан ёки вақтинчалик озод қилинади;

**молиявий имтиёзлар.** Ўз ичига турли шаклдаги субсидияларни олади. Уларга коммунал хизматларни арзонлаштириш, ер майдонлари ва ишлаб чиқариш бинолари учун ижара ҳақини камайтириш каби имтиёзли кредитлар киради;

**маъмурий имтиёзлар.** Бунга корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хорижий фуқароларнинг келиб-кетишларини енгиллаштириш, шунингдек хизмат кўрсатиш учун маъмурият томонидан махсус ҳудудларнинг ажратилиши киради.

Саноати ривожланган давлатлардаги ЭИХларнинг муваффақияти уларнинг яхши режалаштирилганлиги ва бошқарув тизимининг мослашувчанлигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунида<sup>15</sup>, ЭИЗларининг қуйидаги турларини ривожлантириш кўзда тутилган:

эркин савдо зоналари;

эркин ишлаб чиқариш зоналари;

эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар.

**Эркин савдо зоналари**-консигнация омборларини, эркин божхона зоналарини, шунингдек товарларга ишлов бериш, уларни ўраш-жойлаш, саралаш, сақлаш зоналарини ўз ичига олади.

Эркин савдо зоналари чегарага туташ пунктларда, аэропортларда, темир йўл узелларида ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг бошқа жойларида тузилади.

**Эркин ишлаб чиқариш зоналари**-тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудудлардир.

Эркин ишлаб чиқариш зоналари экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зоналарини, индустриал-иқтисодий зоналарни ва бошқа зоналарни ўз ичига олади.

**Эркин илмий-техникавий зоналар** алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади.

Эркин илмий-техникавий зоналар юксак технологиялар амал қиладиган зоналар, технопарклар, минтақавий инновация марказлари-технополислар шаклида ташкил этилади<sup>16</sup>.

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 58-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 39-сон, 424-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни. 220-І-сон, манба: <http://lex.uz/acts/2046>., 5-модда.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 58-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 39-сон, 424-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари

### **1.3. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари ва мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятининг жорий ҳолати**

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида ЭИЗлар ташкил этиш ва улар фаолиятига доир муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Ушбу қонуннинг 10-моддасида “Эркин иқтисодий зона — янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд.” деб таъкидланади<sup>17</sup>.

Мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида ЭИЗларни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-

---

миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунни. 220-I-сон. <http://lex.uz/acts/2046>.. 6-8 моддалар.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни



шароитлар яратиш мақсадида Президентнинг тегишли фармони қабул қилинди<sup>18</sup>.

Фармон билан ЭИЗлар (“Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”) номлари бирхиллаштирилди ҳамда имтиёз берилган солиқ турлари ва муддатлари кўлами кенгайтирилди. Шунингдек, ЭИЗ иштирокчиларига ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар назарда тутилган.

Мазкур имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача амал қилади:

2-жадвал

**Эркин иқтисодий зоналар резидентлари учун имтиёзлар**

300 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долл.гача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга; 3 млн. АҚШ долл.дан 5 млн АҚШ долл.гача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга; 5 млн. АҚШ долл.дан 10 млн АҚШ долл.гача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга; 10 млн. ва ундан кўп АҚШ долл. ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга берилади <sup>19</sup> .
--

ЭИЗ ҳудудида юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар) хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг исталган турлари билан шуғулланишига йўл қўйилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ман этилган фаолият турлари бундан мустасно<sup>20</sup>.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 498-модда; 2017 й., 3-сон, 40-модда; 23-сон, 448-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2018 й., 06/18/5305/0592-сон; 05.04.2018 й., 06/18/5398/1004-сон; 04.05.2018 й., 06/18/5428/1158-сон; 16.05.2019 й., 06/19/5719/3136-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон фармони, манба: <http://lex.uz/docs/3056978>.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 498-модда; 2017 й., 3-сон, 40-модда; 23-сон, 448-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2018 й., 06/18/5305/0592-сон; 05.04.2018 й., 06/18/5398/1004-сон; 04.05.2018 й., 06/18/5428/1158-сон; 16.05.2019 й., 06/19/5719/3136-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон фармони, 3-4 бандлар, манба: <http://lex.uz/docs/3056978>.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 58-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 39-сон, 424-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари

ЭИЗлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилади. Уларнинг мақоми, шунингдек қанча муддатга ташкил этилиши мазкур зонани ташкил этиш тўғрисидаги қарор билан, ҳудудий чегаралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ЭИЗнинг мақоми уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда:

белгиланган муддат тугаганидан кейин;

назарда тутилган вазифалар бажарилмаганда ва мақсадларга эришилмаганда тугатилади.

ЭИЗнинг мақомини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган муддат тугашидан камида уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади<sup>21</sup>.

ЭИЗлар фаолиятини тартибга солиш борасида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан бир қаторда, Президент Фармонлари, Қарорлари ва Фармойиши қабул қилинган. Шунингдек, охириги пайтларда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 15 та Қарорлари ва 2 та Фармойишлари ҳам айнан ушбу соҳага таалуқли.

Мамлакатимиз ҳудудларида ЭИЗларни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида бугунги кунга келиб республикамизнинг 13 та ҳудудида жами 22 та ЭИЗлари ташкил этилган.

Саноат тармоғи бўйича 10 та, фармацевтика 8 та, қишлоқ хўжалиги 3 та, туризм 1 та.

Республикамизда илк ЭИЗ 2008 йил “Навоий” ЭИЗси сифатида ташкил этилган<sup>22</sup>.

---

миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни. 220-И-сон, 1 модда, манба: <http://lex.uz/acts/2046>.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 58-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 39-сон, 424-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни. 220-И-сон, 3-4 моддалар, манба: <http://lex.uz/acts/2046>.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 49-сон, 478-модда; 2011 й., 9-сон, 84-модда; 2012 й., 3-4-сон, 26-модда; 2014 й., 29-сон, 356-модда; 2017 й., 12-сон, 182-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2018 й., 06/18/5428/1158-сон, Ўзбекистон Республикаси

Шундан сўнг, Президентнинг тегишли фармонлари билан 2012 йил “Ангрен” ЭИЗ23; 2013 йил “Жиззах” ЭИЗ24; 2017 йил Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” ЭИЗ25; фармацевтика соҳаси бўйича 7 та-“Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” ЭИЗ26, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси27; **2018 йил “Сирдарё” ЭИЗ28**, “Наманган” ЭИЗ29, қарорга асосан, “Бухоро-агро” ЭИЗ30, “Термиз” ЭИЗ31 ташкил этилиб, ушбу зоналар қатнашчиларига ҳам солиқ имтиёзлари татбиқ этилиши белгиланган.

---

Президентнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навой вилоятида эркин иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4059-сонли фармони, манба: <http://www.lex.uz/docs/1411630>.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 16-сон, 177-модда; 2017 й., 12-сон, 182-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 06/19/5728/3180-сон; 26.06.2019 й., 09/19/525/3340-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги “Ангрен эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПФ-4436-сонли фармони, манба: <http://lex.uz/docs/2002053>

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 12-сон, 151-модда; 2017 й., 12-сон, 182-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 06/18/5412/1061-сон, 19.01.2018 й., 06/18/5305/0592-сон, 29.08.2019 й., 06/19/5794/3669-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПФ-4516-сонли фармони, манба: <http://lex.uz/docs/2144357>

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 40-модда, 19-сон, 331-модда, 28-сон, 636-модда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4931-сон Фармони, манба: <http://lex.uz/docs/3096605>.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 331-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 06/19/5809/3687-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги “ “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5032-сон Фармони, манба: <http://www.lex.uz/docs/3191758>.

<sup>27</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.12.2017 й., 06/17/5273/0363-сон; 06.01.2019 й., 06/18/5611/2430-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 05 декабрдаги “Чорвоқ туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сонли фармони, манба: <http://lex.uz/docs/3441087>.

<sup>28</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 06/18/5412/1061-сон; 05.09.2019 й., 06/19/5809/3687-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Сирдарё эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5412-сонли фармони, манба: <http://lex.uz/docs/3678367>.

<sup>29</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.08.2018 й., 06/18/5517/1859-сон, 2018 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Наманган эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5517-сон фармони, манба: <http://lex.uz/docs/3897083>

<sup>30</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2018 й., 07/18/3843/1488-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 июлдаги “Бухоро-агро» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3843-сонли қарори, манба: <http://lex.uz/docs/3817712>

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Термиз” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2018 йил 18 сентябрдаги ПФ-5540-сон Фармони.

2019 йилда Президент фармон билан “Андижон-Фарм” ЭИЗ<sup>32</sup>, “Нукус ЭИЗ<sup>33</sup>, шунингдек, “Чироқчи” ЭИЗ<sup>34</sup> ташкил қилинганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

ЭИЗнинг фаолияти Маъмурий кенгаш томонидан мувофиқлаштирилади.

ЭИЗ дирекцияси ЭИЗнинг оператив бошқарув органи ҳисобланади.

Маъмурий кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилади. Маъмурий кенгашга раис бошчилик қилади. ЭИЗнинг чегаралари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирлиги (туман, шаҳар, шаҳардаги туман) чегарасига тўғри келган тақдирда, Маъмурий кенгаш раисининг вазифаларини ижро этиш тегишли ҳоким зиммасига юкланади.

ЭИЗ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган дастурга мувофиқ ривожлантирилади<sup>35</sup>.

ЭИЗлар фаолиятини ташкил этишда жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудки, улар шундай зоналарни ривожлантиришга ва самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3175-сонли қарор билан ташкил қилинган Махсус идоралараро комиссия томонидан жойларга чиқиб ўрганилганда қуйидагилар аниқланган:

**биринчидан**, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудларида жойлаштириш учун лойиҳаларни танлашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмас. Инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқишда янгидан ташкил этилаётган иш ўринлари сони, салоҳиятли хорижий шерик ва инвестор-мамлакатнинг мавжудлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда

---

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Андижон-фарм» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 14 январдаги ПФ-5629-сон Фармони.

<sup>33</sup> манба: <https://www.gazeta.uz/uz/2019/09/05/nukus-eiz/>

<sup>34</sup> [http://axbor.sorbon.ru/crp/Kaskadaredaerkiniktisodijzonataskiletildi\\_crp/](http://axbor.sorbon.ru/crp/Kaskadaredaerkiniktisodijzonataskiletildi_crp/)

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни, манба: <http://lex.uz/acts/2046>.

талаб қилиниши, экспорт ҳажми, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси ҳисобга олинмаяпти;

**иккинчидан,** ЭИЗлар ҳудудида жойлаштириш ва амалга ошириш учун таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини келишиб олиш ва маъқуллаш механизми амалда ҳаддан ташқари мураккаб бюрократизмга учраган, бу эса мазкур лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилишни қўп ойларга чўзиб юбормоқда;

**учинчидан,** эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари учун зарур муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ўз вақтида барпо этиш масалаларига етарлича эътибор берилмаяпти;

**тўртинчидан,** таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларининг ишончли молиявий манбалар, шу жумладан, маҳаллий ва хорижий кредит ресурслари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ишончли таъминланиши муфассал ишлаб чиқилмаган. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарига бириктирилган тижорат банклари ушбу муаммоларни ҳал этишда сушт иштирок этмоқдалар;

**бешинчидан,** ЭИЗларнинг иштирокчилари Республика товар-хомашё биржаси орқали сотиладиган хомашё ресурсларини зарур ҳажмда сотиб олишда каттагина қийинчиликларга дуч келмоқда;

**олтинчидан,** ЭИЗларнинг ҳудудида фойдаланишга топширилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан ниҳоятда самарасиз фойдаланилмоқда, бунинг оқибатида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмлари ҳамда иш жойлари сони тасдиқланган бизнес-режалар параметрларига мувофиқ келмайди;

**еттинчидан,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ташкил қилинган ҳудудий комиссиялар томонидан жойларда юзага келувчи масалаларни тезкорлик

билан ҳал этиш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан механизми мавжуд эмас.

Мана шуларнинг ҳаммаси эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида жойлаштириладиган инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, ер майдонлари ажратиб бериш тартиби, хомашё ва материаллардан фойдаланишни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига кредит ресурслари ажратишнинг принципиал янги тизими яратилишини тақозо этади<sup>36</sup>.

Республикамизда ЭИЗларини оптимал моделларини ривожлантириш, мавжуд жаҳон тажрибасининг биз учун қулай бўлган иқтисодий самарали усулларида фойдаланиш, очиқ бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қилган ҳолда, устувор йўналиш-иқтисодиётни эркинлаштириш ва жаҳон хўжалиги тизимига интеграция жараёнларининг чуқурлашувига олиб келади. Натижада, ЭИЗларни тузишдан аввал белгилаб олинган қтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий мақсадларга эришилади.

### **Биринчи боб бўйича хулоса**

Мамлакатимизда ЭИЗларни ташкил этиш бўйича ҳуқуқий база яратилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Хозирда ЭИЗларни ривожлантириш бўйича жаҳоннинг етакчи бўлган давлатлари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, самара ва натижага олиб келган лойиҳаларини ўзлаштириш бўйича тажрибалар ўрганилмоқда. Шу билан бирга, инновацион ва инвестицион инфратузилманинг етарлича ривож топмаганлиги мамлакатимизга хорижий инвестициялар оқимини чекловчи муҳим омиллардан бири бўлиб турибди. Бундан ташқари ҳудудларда лойиҳаларни ташкил этишда саноат салоҳиятидан келиб чиқиб ЭИЗ тақсимотига эътибор қаратишни, ўрта ва узоқ йиллик ривожлантириш стратегияни, концепцияни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Агар бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланилса, ЭИЗлар фаолияти ривожланиш йўлида катта ўрин тутган етакчи хорижий давлатларнинг

---

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 25 октябрдаги ПК-3356-сонли қарори

тажрибасини ҳудудларнинг шароитидан келиб чиқиб уйғунлаштириб қўлланилса, ЭИЗлар такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар амалга оширилиши йўлида муҳим омил бўлади.

## II боб. Эркин иқтисодий зоналарни ташкиллаштириш ва ривожлантиришда хориж тажрибасининг ўрни

### 2.1. Хорижий давлатларда эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш ва улар фаолиятини ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

ЭИЗлар фаолияти таҳлил қилинганда, энг аввало иқтисодий фаолият иштирокчилари мазкур ҳудудларни ташкил этишдан қандай наф кўришларини қараб чиқиш талаб этилади. 3-жадвалда ЭИХларни ташкил этишдан иштирокчи томонлар кўришлари мумкин бўлган натижалар ва мотивлар келтириб ўтилган.

3-жадвал.

**ЭИЗларни ташкил этишдан кўриладиган натижалар ва унга ундовчи мотивлар<sup>37</sup>**

ЭИЗ субъект-лари	Натижа ва мотивлар
Давлат	Мамлакат учун устувор бўлган фаолият соҳаларида билим ва тажрибалардан кенг кўламда фойдаланишни таъмин этувчи интеллектуал салоҳиятни барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий ўсиш нуқталарига айлантириш; миллий шу жумладан дунёвий аҳамиятга эга бўлган янги технологияларни ишлаб чиқиш ва маҳсулотларни яратиш; давлат-хусусий шерикчилик орқали синергетик самарага эришиш; узоқ муддатли истиқболда солиқлар эвазига харажатларни қоплаш
Ҳудуд	Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш; ҳудуднинг умумхўжалик инфратузилмасини шакллантириш; ҳудуд иқтисодиётининг технологик тузилмасини яхшилаш; ҳудуднинг асосий хўжалик фаолияти билан бир қаторда аралаш тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш
Корхона	Фойдани кўпайтириш, харажатларни қисқартириш; маҳсулот экспорти; барқарор хўжалик юритиш кафолати; преференциялар; инфратузилма объектлари ва мавжуд ресурслардан кенг фойдалана олиш имконияти; илғор техника ва технологияларни жорий этиш; инновацион ва интеллектуал мулк маҳсулотларини ишлаб чиқишда иштирок этиш; илмий-тадқиқот ишланмаларига талаб ва буюртмаларни кўпайтириш
Маҳаллий аҳоли	Бандлик даражаси ва иш ҳақи миқдорининг ўсиши; юқори малакали ишчи кучига талабнинг ортиши; технологик иш ўринларининг барпо этилиши; таълим олиш ва бошқа ижтимоий хизматлар сифатининг ошиши

Жаҳон тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, бугунги кунда жаҳон хўжалигида мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ЭИЗлар ўрни муҳим аҳамият касб этади.

ЭИЗлар нафақат ривожланиб келаётган давлатлар ҳудудида, балки саноати ривожланган мамлакатларда, янги индустриал мамлакатларда ҳамда

<sup>37</sup> Таҳлил натижалари асосидаги муаллиф ишланмаси.



ўтиш иқтисодиёти даврида бўлган мамлакатларда мавжуд бўлиб, уларнинг бой тажрибасидан тўғри фойдаланиш ҳозирги замон давр талабидир.

Шу жиҳатдан мамлакатимизда ЭИЗларни ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнини узвий олиб боришда, етакчи хорижий давлатлар, хусусан жаҳон хўжалигида ЭИЗларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича илғор тажрибага эга бўлган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ҳамда ушбу тажрибадан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Мисол учун, **Беларус Республикасида** ЭИЗларни ташкил этиш жараёни анча олдин бошланган. 1990 йилда Брест, Могилев, Гомел областларининг раҳбарлари ўз ҳудудларида ЭИЗ ташкил этиш ташаббуси билан чиқишган. Кейинчалик “Минск-2” аэропорти ҳудудида ЭСХни ташкил этиш варианты муҳокама қилина бошлаган бўлсада, мамлакатда ЭИЗларни тартибга солувчи ҳуқуқий база бўлмаганлиги боис, бу жараён 1996 йилга қадар анча суст кечган. 1996 йилда Беларус Президентининг “Беларус Республикаси ҳудудида эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Фармони, 1997 йилда мамлакат ҳукуматининг “Беларус Республикаси ҳудудида ЭИЗлар фаолиятини ташкил этиш концепцияси тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. 1998 йилга келиб, мамлакатда “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бугунги кунда мамлакат ҳудудида “Брест” (1996 й.), “Гомель-Ратон” ва “Минск” (1998 й.), “Витебск” (1999 й.), “Могилев” ва “Гродноинвест” (2002 й.) ЭИЗлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатувчи ЭИЗларнинг барча резидентлари учун бир хил махсус ҳуқуқий режим ўрнатилган бўлиб, улар ЭИЗ резиденти сифатида рўйхатга олинган санадан бошлаб етти йил давомида ўзгармай амал қилади.

ЭИЗ резидентлари учун бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, резидентлар: фойда олишни бошлаганини эълон қилган санадан бошлаб кейинги беш йил давомида реализация қилинган маҳсулотлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғидан озод қилинади; импорт ўрнини босувчи

ишлаб чиқариш маҳсулотларини реализация қилишда ҚҚС 10 фоиз миқдорида ҳисобланади; резидентлар жорий йилнинг ўтган чорагида кўрсатилган фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатсалар ЭИЗ ҳудудида жойлашган кўчмас мулк объектларига солиқ тўлашдан озод қилинади; ЭИЗ ҳудудига жойлаштирилувчи асбоб-ускуна ва товарлар бўйича бож тўловларини тўлашдан ҳам озод қилинади; инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкалари бўйича имтиёзли ижара шартлари белгиланади; беш йилгача инвестицион лойиҳалар бўйича объектлар қуриш учун ажратилган ер участкаларига ер солиғи тўлашдан озод қилинади; валюта тушумлари эркин тасарруф этилади; резидентлар учун мамлакат ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб боришлари борасида рухсатномалар олиш тартиби енгиллаштирилади.

Тегишли инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун камида бир млн. евро маблағ тикувчи хўжалик юритувчи субъект мамлакатда ЭИЗ резиденти сифатида рўйхатга олинади. ЭИЗ резиденти сифатида рўйхатдан ўтиш учун топширилган ҳужжатлар икки ҳафтадан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади. Мамлакатдаги мавжуд ЭИЗларда ўз фаолиятини амалга оширувчи инвесторлар орасида Россия Федерацияси (19,3 фоиз), Буюк Британия (14,3 фоиз), Польша (8,4 фоиз), Германия (15,3 фоиз) каби давлатларнинг инвесторлари мавжуд.

**Қозоғистон Республикасида** ЭИЗларни яратиш тарихи 1990 йилнинг ноябр ойидан бошланган. 1990 йилда “Қозоғистон ССРда ЭИЗлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Дастлабки ЭИЗлар Қозоғистоннинг Жезқозғон (Жайрем-Атасуй), Толдиқўрғон (Алакуль ва Жаркент), Кўстанай вилояти (Лисаков)ларида 1991-1992 йилларда ўз фаолиятини бошлаган бўлсада, ЭИЗларни ташкил этиш борасида ҳуқуқий асоснинг етарли эмаслиги боис, мазкур зоналар унча узоқ фаолият кўрсата олмади. Бугунги кунда Қозоғистонда ЭИЗлар фаолияти қуйидаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Қозоғистон Республикасининг:

- ✓ Ер кодекси 2003 йил 20 июнда;

- ✓ Солиқ кодекси 2008 йил 10 декабрда;
- ✓ Божхона кодекси 2010 йил 30 июнда;
- ✓ Божхона иттифоқининг божхона ҳудудида ЭИЗларнинг фаолиятини ташкил этиш масалаларига доир келишув (С.-Петербург, 2010 йил 18 июнда);
- ✓ “Қозоғистон Республикасининг алоҳида иқтисодий зоналари тўғрисида”ги Қонуни 2011 йил 21 июлда қабул қилинган.



2-расм. Қозоғистонда эркин иқтисодий зоналарнинг жойлашиши ва ихтисослашуви. *Манба:* “KAZNEX INVEST” экспорт ва инвестициялар бўйича миллий агентлик

Бугунги кунда Қозоғистонда 10 та МИЗлар фаолият кўрсатмоқда, мазкур зоналарни шартли равишда учта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Саноат-ишлаб чиқариш зоналари;
2. Сервис зоналар;
3. Техник-жорий қилувчи зоналар.<sup>38</sup>

Мазкур зоналарнинг ҳар бирининг амал қилиш муддатлари, ташкил этиш мақсадлари ва ихтисослашуви бир-биридан фарқ қилади.

Қозоғистон Республикасининг қонунчилигида ЭИЗ иштирокчиси мақомини олиш ва уларга берилаётган имтиёзлардан фойдалана олишлари учун маҳаллий ва хорижий компанияларга бир хил талаблар қўйилган.

“Инновацион технологиялар парки” иштирокчилари учун бир қатор қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган: ижтимоий солиқлар 100 фоизга камайтирилган; дастурий таъминот соҳаси бўйича ишлатилувчи асбоб-

<sup>38</sup>“KAZNEX INVEST” экспорт ва инвестициялар бўйича миллий агентлик маълумотлари.

ускуна ва жиҳозларга нисбатан 15 фоиздан 40 фоизгача амортизация меъёрларини ошириш кўзда тутилган. “Инновацион технологиялар парки” иштирокчилари ЭИЗлар худудидан ташқарида ҳам жойлашишлари мумкин бўлгани ҳолда, ҚҚС ва божхона тўловларидан ташқари барча солиқ имтиёзларидан фойдаланадилар.

**Россия Федерациясида** дастлабки ЭИЗ (МИЗ) лар 1990 йиллардаёқ пайдо бўлган ва кейинчалик 15 йил мобайнида уларнинг яратилиши ва фаолият юритиш жараёни тизимсиз амалга оширилган. Бу қонуний базанинг етишмаслиги, минтақалар ва федерал марказларнинг эркин худудлар учун максимал имтиёзлар ҳамда уларни назорат қилиш ҳуқуқини доимий равишда давом эттириши билан боғлиқ эди. Бироқ ҳозирги пайтда вазият тубдан ўзгарган, Россияда ЭИЗ ривожлантиришнинг янги босқичи бошланган.

4-жадвал

**Россияда МИЗнинг асосий хусусиятлари<sup>39</sup>**

<b>МИЗ жойлашуви</b>	<b>Ихтисослашганлиги</b>	<b>ИЗ инфраструктурасига давлат инвестициялари</b>
Санкт-Петербург	Дастурий таъминот, алоқа воситалари ва маиший электроника ишлаб чиқариш. Аналитик воситалар яратиш ва ишлаб чиқариш.	Тахминан 1,5 млрд рубль, шу жумладан федерал бюджетдан 50 фоиз
Москва вилояти Дубна шаҳри	Электрон асбоб-ускуналар, янги учуш аппаратларини лойиҳалаш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш.	2,5 млрд рубль, шу жумладан, федерал бюджетдан 65 фоиз
Зеленоград	Микросхемаларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш, ақли навигация тизимлари.	5 млрд. рубль, шу жумладан федерал бюджетдан 50 фоиз
Томск	АКТ, электрон ва тиббий технологиялар, шунингдек, янги материалларни ишлаб чиқариш	Тахминан 1,9 млрд рубль, (федерал бюджетнинг 70 фоизи)
Липецк	маиший жиҳозлари ва унинг қисмлари ишлаб чиқариш	1,8 млрд рубль, (федерал бюджетнинг 42 фоизи)
Елабуга, Татаристон	Автомобил компонентлари, автобуслар, маиший техника ишлаб чиқариш. юқори технологик кимё маҳсулотлари.	1,6 млрд рубль, (федерал бюджетнинг 49 фоизи)

Янги босқичнинг бошланиши Россия Федерациясининг “Махсус иқтисодий зоналари тўғрисида” федерал қонуни қабул қилиниши билан боғлиқ. Ушбу қонун Россияда махсус иқтисодий худудларни яратиш ва фаолият юритиш учун ягона ҳуқуқий асос ҳисобланади<sup>40</sup>.

<sup>39</sup> <http://www.grandars.ru/shkola/geografiya/svobodnaya-ekonomicheskaya-zona.html>

<sup>40</sup> “Россия Федерациясининг “Махсус иқтисодий зоналари тўғрисида” 2005 йил 22 июлдаги 116-ФЗ-сонли федерал қонуни

Хорижий ва маҳаллий компанияларининг инвестицияларини жалб қилиш; минтақавий ривожланишни рағбатлантириш; юқори технологияли ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларини ривожлантириш; юқори малакали иш ўринларни ташкил этиш мамлакатда ЭИХларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳисобланади.

Экспорт ишлаб чиқариш зоналари иштирокчилари Федерация субъектлари томонидан маҳаллий солиқлар ҳисобига тўлдириладиган кўйидаги федерал солиқ имтиёзлари билан таъминланади:

рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 йил муддатга даромад солиғидан озод қилиш;

5 йил ўтгач инвестицияга йўналтирилган даромад миқдори бўйича солиққа тортиладиган даромадни камайтириш;

ўзи ишлаб чиқарган Россия Федерациясида сотиладиган товарларга кўшилган қиймат солиғининг 50 фоизи (рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 йил мобайнида);

юкларни ташишда ҚҚСдан озод қилиш.

Бугунги кунда Россия Федерациясида тўртта типга мансуб бўлган 22 та МИЗлар фаолият кўрсатмоқда:

✓ 5 та техник-жорий этувчи - Зеленоград, Дубна, Томск, С.-Петербург, Татаристон Республикаси (“Иннополис”);

✓ 7 та саноат-ишлаб чиқариш-Владивосток, Липецк, Татаристон Республикаси (“Алабуга”), Самара области (“Тольятти”), Свердловскобласти (“Титан водийси”), Псковобласти (“Моглино”), Калуга области (“Людиново”);

✓ 7 та туристик-рекреацион-Олтой Республикаси (“Олтой водийси”), Бурятия Республикаси (“Байкал гавани”), Олтой ўлкаси (“Бирюзовая Катунь”), Ставрополь ўлкаси (“Гранд Спа Юца”), Иркутск области (“Байкал дарвозаси”), Приморье ўлкаси (“Остров Русский”), Краснодар ўлкаси ва Адигей Республикасидаги туристик кластерлар;

✓ 3 та порт (Мурманск области, Хабаровск ўлкаси-денгиз портлари,

Ульяновск-аэропорти)<sup>41</sup>.

МИЗ ҳудудида 25 та мамлакатнинг 300 дан ортиқ инвесторлари ўзларининг инвестицион лойиҳаларини амалга оширмоқда. МИЗлар ҳисобига мамлакатда 58000 янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

Россия МИЗ фаолиятига ўз соҳа ва тармоқларида етакчи бўлган юқори технологияли компаниялар, технологик ва индустриал паркларни, ҳаво ва денгиз портларини бошқариш борасида катта тажрибага эга бўлган профессионал бошқарувчи компаниялар ва девелоперлар фаол жалб қилиб келинмоқда.

**Хитой Халқ Республикасида** сўнгги 25-30 йил давомида олиб борилган самарали ва оқилона ислохотлар натижасида иқтисодиёти жадал ривожланиб келиб, бугунги кунда дунёнинг кучли иккинчи давлатига айланди. Ушбу натижалар замирида миллий иқтисодий ривожлантиришнинг “Хитой модели”, хорижий инвесторлар учун олиб борилган “Очиқ эшиклар” сиёсати ва албатта мамлакатда ташкил этилган ЭИЗларнинг ўрни жуда катта.

Хитойда ЭИЗларни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг биринчи босқичи 1978-1982 йилларда амалга оширилиб, бунда хорижий капитал жалб қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари яратилди.

1982 йилда аниқланган хорижий инвестициялар учун маъқул соҳалар рўйхати асосида хорижлик ишбилармонлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органларини ташкил этиш босқичи узок давом этмади, бироқ мамлакат иқтисодиётини “очишда” муҳим босқич бўлди. Бу Хитойга хорижий инвестицияларнинг кириб келишини тартибга солишнинг ташкилий ва қонуний асосларини яратиш имконини берди. Айнан шу босқичда узок муддатли иқтисодий сиёсатнинг Хитойга хос хусусиятлари ва мамлакат иқтисодиётини ташқи дунёга максимал очиш имкони ўртасидаги мувозанатни сақлаш жараёнлари синовдан ўтди. Бу тажрибани амалга ошириш аниқ масалалар ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда муваффақиятли қўлланилмоқда.

---

<sup>41</sup><http://www.grandars.ru/shkola/geografiya/svobodnaya-ekonomicheskaya-zona.html>

Биринчи босқичда дастлабки МИЗлар Шеньчжен, Чжухай, Шаньтоу ва Сямин ташкил этилди.

Иккинчи босқич 1983-1989 йилларни ўз ичига олиб, биринчидан хорижий инвесторлар билан шартномавий-ҳуқуқий асосдаги ҳамкорликнинг такомиллашуви, иккинчидан хорижий капитални жалб қилиш ва ундан фойдаланиш давлат сиёсатининг эркинлаштирилиши билан ажралиб туради.

Иккинчи босқич охирида мамлакатда имтиёзли инвестиция тартиби жорий қилинган ҳудудларни кенгайтди. Бирок, бунда ҳукумат хорижий инвестицияларни минтақавий ва соҳа устуворлиги асосида амалга оширди<sup>42</sup>.

Шундай қилиб, Хитой ЭИЗларининг асосий ривожланиш хусусиятлари қуйидагилардан иборат: **биринчидан**, бозор тамойиллари асосида мустақил иқтисодий ривожланиш; **иккинчидан**, хорижий капитал қўйилмаларига таяниб фаолият кўрсатиш; **учинчидан**, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларида саноатнинг устунлик қилиши; **тўртинчидан**, ишлаб чиқаришни экспортга йўналтириб, чет эл хомашёсини жалб қилиш; **бешинчидан**, миллий ҳудудларни қамраб олиш; **олтинчидан**, ЭИЗларни мамлакатнинг қолган қисмлари билан ўзаро алоқасини кенгайтириш; **еттинчидан**, солиқ тизимини ЭИЗларнинг минтақавий хусусиятига кўра турларга бўлиш<sup>43</sup>.

Бугунги кунда Хитойда 250 дан ортиқ давлат аҳамиятидаги ва 2000 га яқин маҳаллий даражадаги ЭИЗлар мавжуд, мамлакатда 29 та эркин юқори технологияларни ривожлантириш ҳудуди мамлакат миқёсида бир текисда тақсимланган. Яъни, бу борада мамлакатда ҳудудий бирёқламалик олди олинган. Бундай тақсимланиш фан-техника ютуқларини барча эркин иқтисодий ривожланиш ҳудудларида тажрибадан ўтказиш имконини беради.

**Жанубий Корея Республикасида** ЭИЗларни ташкил этиш борасидаги дастлабки уринишлар анча муваффақиятли чиқди. 1970 ва 1974 йилларда Масан ва Иксан шаҳарларида Корея ҳукумати эркин экспорт зоналари (FREE

<sup>42</sup> Н.А.Козлова. Функционирование свободно экономических зон в Китае. Вестник \Приамурского государственного университета. <https://cyberleninka.ru/article/v/funktsionirovanie-svobodnyh-ekonomicheskikh-zon-v-kitae>

<sup>43</sup> Н.А.Козлова. Функционирование свободно экономических зон в Китае. Вестник \Приамурского государственного университета. <https://cyberleninka.ru/article/v/funktsionirovanie-svobodnyh-ekonomicheskikh-zon-v-kitae>

EXSPORT ZONE) сифатида иккита зонани таъсис қилди. Ўша даврдаги мамлакат қонунчилигига мувофиқ, улар хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва экспорт маҳсулотлари ҳажмини ошириш ҳисобига миллий ва маҳаллий иқтисодийнинг ривожланишига туртки бериши лозим эди.

Кореяда иқтисодий, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва хўжалик фаолиятини юритишнинг алоҳида режимига эга бўлган ҳудудларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад саноатнинг юқори технологик тармоқларига хорижий инвестициялар оқимининг кўпайишини таъминловчи инвестицион иқлимнинг яхшиланишини таъминлашдан иборатдир.

Бугунги кунда мамлакат қонунчилигига кўра, МИЗларнинг бешта тури кўзда тутилган бўлиб, унда хорижий инвесторларга айрим ҳолларда эса корейс компанияларига хўжалик фаолиятини юритишда преференциялар берилади. Хусусан, бугунги кунда мамлакатда Эркин савдо зоналари (Free Trade Zone); Эркин иқтисодий зона (Free Economic Zone); Хорижий инвестиция зонаси (Foreign Investment Zone); Божсиз савдо зонаси (Customs Free Zone); хорижий инвесторлар учун индустриал комплекс (Industrial Complex for foreign investors) фаолият кўрсатади. Мазкур зоналарнинг ҳар бири алоҳида қонунчилик ҳужжати билан тартибга солинсада, бундай ҳудудларнинг барчасида 2001 йилнинг 7 апрелида қабул қилинган 6460-сонли “Хорижий инвестицияларни рағбатлантириш тўғрисида” (Foreign Investment Promotion Act)ги Қонун бирдек амал қилади.

Бугунги кунда Кореяда Дебул, Донгхэ, Гимэ, Гунсан, Масан, Улсан ва Иулчон эркин савдо зоналари фаолият кўрсатади. Эркин савдо зоналаридаги компаниялар хомашё ва импорт қилинувчи асбоб-ускуналар учун солиқлар тўлашдан бутунлай озод қилинган. Қонунчиликка мувофиқ, эркин савдо зонасида жойлашган компаниялар агар ишлаб чиқариш соҳаси учун 10 млн. АҚШ долл. ёки логистика марказларини ривожлантириш учун 5 млн. АҚШ долл.дан кўпроқ инвестиция киритсалар етти йил мобайнида ёки биринчи фойда олганларига қадар даромад солиғи ва корпоратив солиқ тўлашдан озод қилинади. Кейинги уч йил мобайнида уларга солиқлар тўлашда 50фоизлик



чегирма берилади. Бундан ташқари уч йил мобайнида импорт қилинувчи товарлар тўлалигича ҚҚС ва акциз солиғи ва шунингдек, божхона пошлиналарини тўлашдан озод қилинади<sup>44</sup>.

Корея ҳукумати томонидан ЭИЗларни тартибга солувчи махсус солиқ конунчилиги (Special Tax Treatment Control Act) асосида хорижий инвесторларга кўплаб имтиёзлар берилган. Жумладан, мазкур конун корпоратив солиқ ва даромад солиғидан озод қилиш ва ставкаларини, технологиялар учун лицензия тўловларини пасайтиришни кўзда тутди.

Иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш мақсадида корейс ҳукумати хорижий инвесторлар учун қуйидаги кўринишларда молиявий ва инфратузилмавий кўмак кўрсатади:

✓ Маҳаллий ҳукумат ўз бюджетлари ҳисобидан ер участкалари ва қурилиш ишлари учун маблағлар ажратади. Хорижий инвесторлар учун ижара тўловлари учун субсидиялар ажратилиши ҳам мумкин;

5-жадвал.

**Эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлигини ошириш бўйича давлат томонидан амалга оширилувчи комплекс чоратадбирлар**

ЭИЗларнинг ҳаётийлик цикли	Самарадорлик салоҳияти	Самарадорликни ошириш йўналишлари
Шаклланиш фазаси (инфратузилмани барпо қилиш)	<b>Паст</b> (худуд тўлик фаолият кўрсатмайди, бюджет инвестициялари юқори, худуд иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси паст)	Резидент-корхоналар, инвесторларни жалб қилиш бўйича кампания; ЭИХлар жойлашган худуддаги маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг имкониятларини ва ваколатларини кенгайтириш; юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш
Ривожланиш (инвестицион жозибадорлик фазаси)	<b>Ўртача ва юқори</b> (худуд резидентларининг фаолият кўламли янада кенгайиб боради)	Маъмурий тўсиқларни бартараф қилиш; инфратузилма сифатини яхшилаш; кафолатли инвестиция фондларини шакллантириш; давлат-хусусий шерик-чилик воситаларидан мақсадли фойда-ланиш; ЭИЗ субъектлари фаолиятини назорат қилиш
Етуклик фазаси	<b>Ўртача</b> (инвестициялар ўсиши қисқаради, инфратузилма имкониятларидан тўлик фойдаланилади, янги резидентлар жалб қилинмайди. Айни пайтда худуд иқтисодиётида ЭИХнинг салмоғи юқори)	Қулай ишбилармонлик ва ижтимоий муҳитни кўллаб-қувватлаш; бюджетдан молиялаштиришни қисқартириш; аввал тузилган битим ва келишувларни қайта кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш
Сўниш фазаси	ЭИЗ ва резидент-корхоналар фаолиятида салбий ўзгаришлар ва самарадорлик кўрсаткичларининг пасайиши кузатилади	ЭИЗларни иқтисодий фаолият юритишнинг бошқа шакл ва кўринишларига айлантириш

<sup>44</sup>Н.А. Козлова. Функционирование свободно экономических зон в Китае. Вестник Приамурского государственного университета. <https://cyberleninka.ru/article/v/funktsionirovanie-svobodnyh-ekonomicheskikh-zon-v-kitae>

Манба: Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

✓ Завод ёки илмий марказлар қуришда хорижий инвесторларга молиявий ёрдам кўрсатилади. Марказий давлат идоралари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари йўллар, аэропортлар, парклар ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш ишлари харажатларининг барчасини ёки маълум бир қисмини қоплаб беради.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб, алоҳида иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш борасида дунё мамлакатлари тажрибасидан фойдаланиш натижасида юртимизда ЭИЗларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича бир қатор ютуқларга эришиш мумкин:

- **биринчидан**, мамлакатимизда ЭИЗларнинг янги турларини (технопарклар, IT парклар, илмий-саноат парклари) ташкил этиш ва “Очиқ эшиклар” сиёсати орқали ҳудудларга хорижий инвестициялар оқимини ошириш орқали, илғор технологияларнинг оммавий кириб келишини таъминлаш;

- **иккинчидан**, мамлакатимиздаги ташкил этилган ЭИЗлар миллий саноатимиз ва хорижий илғор технологиялар ўртасида асосий алоқа бўғини бўлиб хизмат қилишига эришиш;

- **учинчидан**, ҳудудий бирёқламаликни олдини олиб, нафақат мамлакатга киритилаётган хорижий инвестицияларни, балки ташкил этилаётган ЭИЗларнинг тақсимотига ҳам жиддий эътибор қаратиш;

- **тўртинчидан**, ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлигини ошиши ҳисобига, ҳудуд экспорт салоҳияти ошиши ва аҳоли даромадларининг ўсишига эришиш мумкин.

## **2.2. Эркин иқтисодий зоналарнинг тадбиркорлик субъектлари экспортда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишдаги тизимли муаммолар таҳлили**

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари экспортда АКТдан фойдаланиш йўлидаги ортикча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартиб-тамойилларини 30 дақиқагача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилганлиги “Doing Business 2020” глобал рейтингдаги “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон мавқеини 24-ўрндан 8 ўрингача кўтаришга хизмат қилди.

2018 йилнинг II чорагидан бошлаб, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг жорий иқтисодий ҳолати ва истиқболдаги кутилмаларини ўрганиш юзасидан даврий (чораклик) сўров ўтказиш йўлга қўйилди. 2018 йилнинг IV чорак якуни бўйича **экспорт хажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар** ўрганилганда, сўров натижалари ташқи бозорларда талабнинг пастлиги, ички транспорт харажатларининг юқорилиги ҳамда маҳсулотларни (иш, хизматларни) экспорт қилиш тартиб-тамойилларининг мураккаблиги билан боғлиқ ҳолатнинг нисбатан ёмонлашганлигини кўрсатмоқда.



**3–расм. Экспорт хажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омиллар бўйича тақсимланиши**<sup>45</sup>

Хусусан экспорт хажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида ташқи бозорларда маҳсулотга талабнинг пастлигини маълум қилган респондентлар улуши III чорақдаги 17 фоиздан IV чорақда 24 фоизгача ҳамда экспорт қилиш тартиб-тамойилларининг мураккаблигини маълум қилган

<sup>45</sup> Стратегическое планирование-важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией Т. Ахмедова/Ташкент: IFMR,2019.-592 с.

респондентлар улуши 14 фоиздан 16 фоизгача ошган (3-расм). Шу билан бирга, экспорт хажмининг ўсишига тўсқинлик қилаётган омил сифатида транспорт харажатларининг юқорилигини ҳамда ташқи бозор конъюнктураси бўйича маълумотларнинг етарли эмаслигини кўрсатган респондентлар сони III чоракка нисбатан камайган. Тадбиркорларда қулай ва сифатли давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас экан, уларни ташкил этишга сарфланган саъй харажатлар ва маблағларнинг самараси бўлмайди. Интернетга кириш қийматини пасайтириш ва ахборот технологияларига ўқитишни ташкил этиш йўли билан бунга қарши курашиш зарур.

Тадбиркорлик субъектлари экспортини амалга оширишда АКТнинг имкониятларини, ҳокимият тузилмалари, тадбиркор ва истеъмолчи ўртасида муносабатларнинг янги типини йўлга қўйиш учун уларни қўллашнинг муҳимлигини англаб етишлари зарур.

Ўтказилган сўров натижаларига кўра тадбиркорлик субъектлари экспортида АКТдан фойдаланишда қуйидаги муаммолар долзарблигини кўрсатмоқда:

6-жадвал.

Тадбиркорлик субъектлари экспортида АКТдан фойдаланишни ривожлантириш ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёнига хос бўлган асосий муаммолар<sup>46</sup>

Соҳа	Муаммолар	Оқибатлари
Институционал жиҳатлар	Режалаштиришнинг самарасизлиги Мақсадларнинг ноаниқлиги	Тизимларни номуқобил лойиҳалаштириш Тизимларнинг иқтисодий самарасизлиги
Инсон ресурслари	Малакали мутассислар етишмаслиги Профессионал ўқитишнинг йўқлиги	Тизимни қўллаб қувватлашнинг самарасизлиги Замонавий технологиялар яратиш манбалардан узилиб қолганлик
Молиялаштириш	Лойиҳалар қийматини етарлича баҳоламаслик Харажатларни қоплаш манбаларининг мавжуд эмаслиги	Лойиҳаларнинг тугалланмаганлиги Тизимларга қўшимча ишлар қийматининг юқорилиги
Ички муҳит	АКТнинг ривожланган миллий ишлаб чиқариш базаси мавжуд эмаслиги АКТни қўллаб қувватлашни таъминлайдиган сервис компаниялари йўқлиги	Тизимнинг малакали техник қўллаб қувватланмаслиги Жорий этишдаги қийинчиликлар
Технологиялар	Асбоб-ускуналар ва дастурий таъминлаш турларининг чекланганлиги Зарурий дастурий таъминлашнинг йўқлиги	Хар хил тизимларнинг номувофиклиги Буюртмали тизимларга ҳаддан ортиқ таяниш

<sup>46</sup> Стратегическое планирование-важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией Т. Ахмедова/Ташкент: IFMR,2019.-592 с.

✓ тадбиркорлик субъектлари билан ташкилотлар ўртасидаги хужжатлар алмашинуви аксарият ҳолларда қоғоз кўринишида бўлиб, жараёнларни секинлаштирмоқда, экспорт хужжатларини расмийлаштиришда кўп вақт билан биргаликда жуда кўп ҳатоликлар ва коррупцияга дуч келинмоқда, харажатлар кундан кунга ортиб бормоқда. Ушбу жараёнларда АКТнинг функционал имкониятларидан кенг фойдаланиш;

✓ жаҳон бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектлари экспортини амалга ошириш учун суғурта хизматларини АКТ ёрдамида расмийлаштиришнинг электрон тизимини амалга ошириш;

✓ экспортни амалга ошириш жараёнида бахтсиз йўл ҳодисаси рўй берган ҳолда масофадан туриб, ушбу ҳолатга АКТнинг функционал имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали баҳо бериш;

✓ хориждаги мижозларнинг буюртмаларини электрон шаклда қабул қилиш;

✓ тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлараро хужжатлар алмашинуви қисқа вақт мобайнида камайтириш;

✓ тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятидаги мақсадларнинг ҳамма вақт ҳам аниқ эмаслиги;


✓ экспорт самарадорлигининг пастлиги, реал ҳолат ва риск омилларини инобатга олмай туриб асоссиз қарорлар қабул қилиниши.

Сўровда қатнашган тадбиркорлар тадбиркорликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган куйидаги омилларни кўрсатдилар:

✓ тартибга солиш нуқтаи назаридан, солиқ ва банк тизимини тартибга солиш масалалари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан мавжуд муаммоларга эътибор қаратмаслик ҳолатлари салбий равишда таъкидланади;

✓ хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий тўсиқлари- кадрлар масаласи, инвесторлар учун маълумотларнинг йўқлиги, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг паст даражадаги қизиқиши.

Тадбиркорликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатадиган бир неча тартибга солиш омилларини кўриш мумкин (4-расм).



**4-расм. Бизнесни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатадиган тартибга солиш омиллари (Респондентлар умумий сонининг фоизи)<sup>47</sup>**

Иқтисодиёт ва жамиятнинг ҳолатини акс эттирувчи халқаро рейтинглар Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳитининг заиф ривожланишини кўрсатади. Ўзбекистон бир қатор муҳим рейтингларда, масалан, Global Entrepreneurship Monitor рейтингда йўқ. Асосий муаммолардан яна бири иқтисодиёт ва жамиятнинг ҳолатини акс эттирувчи халқаро рейтингда Ўзбекистоннинг анча паст ўринларда эканлигидир.

Экспорт жараёнлари ва боғхона тўсиқларини давлат томонидан тартибга солиш КБваХТ экспортини ривожлантириш унун сезиларли қийинчиликлар туғдиради, экспорт қиймати юқори бўлиб туриб товарларни расмийлаштириш узоқ вақт олади (7-жадвал).

7-жадвал.

**Экспорт жараёнлари бўйича мамлакатларнинг даражалари**

Мамлакатлар	Экспортда улуши, %*	Экспорт қиймати (АҚШ доллари 1 йил ТЕУга)**	Экспорт жараёнлари давомийлиги, кун**
Япония	53%	829	11
Хитой	42%	823	21
Буюк Британия	34%	1005	8
АҚШ	%	1224	6
Канада	33%	1680	8
Ўзбекистон	27%	5090	54
Малазия	19%	525	11
Жанубий Корея	19%	670	8
Австралия	5%	1200	9

<sup>47</sup> Стратегическое планирование-важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией Т. Ахмедова/Ташкент: IFMR,2019.-592 с.

Изоҳ: \*Очиқ манбалардан олинган сўнгги фойдаланиш имкони бор даври (2015-2017 йиллар) маълумотлари

\*\*охирги фойдаланиш имкони бор давр учун маълумот – 2014 й.

Бугунги кунда республикамизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг етишмовчилиги ҳам мавжуддир (8-жадвал).

Кўпгина ривожланиш институтларига қарамай, КБваХТни қўллаб қувватлашнинг асосий элементлари мавжуд эмас. Ўзбекистонда КБваХТни қўллаб қувватлаш бўйича стратегияни ишлаб чиқадиган ягона консолидация қилувчи, шунингдек уни амалга оширишнинг кейинги мониторингини амалга оширувчи орган йўқ. Бунинг учун бутун дунёда тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш марказлари мавжуд бўлиб, улар томондан тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмак беришга мўлжаллаган.

**8-жадвал.**

**Қўллаб қувватлаш инфратузилмасининг етишмовчилиги**

<b>Ривожланиш институти</b>	<b>Таъриф</b>
Кичик ва ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб қувватлаш жамғармаси	Кичик ва хусусий бизнеснинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида институт ташкил этилди Чет эл бозорларида замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришда зарурий юридик, молиявий ва ташкилий ёрдам билан КЎБни таъминлаш
Вазирлар Махкамаси қошидаги Давлат томонидан бизнесни ривожлантиришни қўллаб қувватлаш жамғармаси	Асосий фаолият йўналиши–тадбиркорларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдир (кафолат бўйича ёрдам) Махсус давлат, тармоқ ва минтақавий дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш
Савдо-саноат палатаси (ССП)	Бизнес мухитини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт- шароитларни яратиш мақсадида ишлаётган нодавлат нотижорат ташкилоти консалтинг хизматларини кўрсатади Минтақавий бўлимлари мавжуд

✓ Ўзбекистонда минтақавий маслаҳат инфратузилмаси йўқ, хусусан, ТҚҚМ (тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказлари), ЭҚҚМ (экспортни қўллаб қувватлаш марказлари), минтақавий молиявий инфратузилма (минтақавий кафолат жамғармалари) ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси (технопарклар, бизнес инкубаторлар).

## Тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш марказлари

Мамлакатлар	Ишлаб чиқиш КЎК стратегияси	Қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш	Мониторинг
Сингапур	SPRING Singapore	Бир неча ташкилотлар	SPRING Singapore, Сингапур савдо ва саноат вазирлиги
Малайзия	SME Corporation		SME Corporation
Япония	SME Agency		SME Agency
АҚШ	SBA		SBA
Вьетнам	SME Development council		SME Development council
Таиланд	OSMEP		OSMEP
Ҳиндистон	Ministry of SME		Ministry of SME
Жанубий Африка	Small Enterprise Development Agency		Small Enterprise Development Agency
Жанубий Корея	SMB Administration		SMB Administration
Россия	Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш вазирлиги		Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш вазирлиги
Ўзбекистон	Мавжуд эмас	Бир неча ташкилотлар	

Омбор комплекслари хизматларидан норозилигининг асосий сабаблари омбор ишини автоматлаштиришнинг йўқлиги (41 фоиз) бўлиб, бу юклаш ва тушириш ишларининг тезлигини, маҳсулотнинг намунасини, маҳсулотнинг белгиланган муддатда етказиб беришга катта таъсир кўрсатади (5-расм).



5-расм. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлари билан транспорт ва омбор-логистика ҳолати бўйича ўтказилган сўров натижалари<sup>48</sup>

Иккинчи сабаб-маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш, жўнатиш бўйича номукамал омбор технологияси (28 фоиз) бўлиб, бу узок муддатли тушириш, транспортнинг узилиши, товарларнинг узок муддатли жойлаштириш ва бошқалар каби оқибатларга олиб келади.

<sup>48</sup>Ўзбекистон Республикаси тадбиркорларнинг транспорт ва омбор логистика ҳолати ва истиқболлари бўйича сўров натижалари. Бизнес логистика ассоциацияси маълумоти. <http://www/adbl.uz/>.



Респондентлар, шунингдек, иш оқимини янгилаш (10 фоиз), хизматлар учун мослашувчан таърифларни қўллашни (7 фоиз) кўришни истайдилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ЭИЗ тадбиркорлик субъектлари олдидаги АКТ билан боғлиқ тизимли муммоларнинг бартараф этилиши натижасида экспорт борасида ўсишга эришиш мумкин. Бунинг учун мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хориж мамлакатларига экспорт қилишда юзага келган муммоларни замонавий АКТдан фойдаланиш орқали бартараф этиш лозим. Бу эса ҳудудларда етиштирилган маҳсулотларни ўз вақтида экспорт қилишда қўл келиши шубҳасиз.

### **2.3. Эркин иқтисодий зоналарнинг тадбиркорлик субъектлари экспортда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда хориж тажрибаси таҳлили**

Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва “ақлли” технологиялар амалга оширилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.

Инновацион ривожланиш учун масъул идораларнинг асосий вазифаси инновация ва фан ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда интеллектуал улушнинг кўпайиши ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётган бўлсада, бу борада қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Шу мақсадда “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Президент

Қарори<sup>49</sup> қабул қилинди. Мазкур Қарорда таъкидланишича мамлакатда қисқа муддатда инновацияга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Республикада инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилиб, унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди. Бироқ, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

АКТ инсон фаолиятига универсал таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришда, иш ўринлари сонини кўпайтиришга хизмат қилишда муҳим стратегик аҳамиятга эга. Соҳанинг тараққиёти мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини, муҳофаза салоҳиятини пировардида эса миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини белгилаб беради. Иқтисодий тараққиёт даражаси қанча юқори бўлса, АКТ соҳасининг ривожланиши шунча юқори бўлади.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида танлаб олинган инновацион ривожланиш моделларидан қатъий назар давлат инновацияларнинг ташаббускори ва катализатори сифатида майдонга чиқади. Марказий Осиёнинг йирик мамлакати Қозоғистон мисолида иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида, хусусан МИЗларда АКТдан фойдаланиш тажрибаси билан яқиндан танишиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Кейинги йилларда Қозоғистонда АКТ соҳасида барча кўрсаткичлар ижобий ўзгариш суръатларига эга бўлган ҳолда, маҳаллий ва халқаро даражада барқарор ўсиш суръатларини кўрсатиб келмоқда. Бу ҳолат халқаро экспертлар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

---

1 “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698 сонли Қарори

Сўнгги йилларда Қозоғистоннинг АКТ бозори барқарор суръатларда ўсмоқда, хусусан 2016 йилда бозор ҳажми 559695 млн. тенгени ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан 19 фоизга кўпдир. Шу билан бирга АКТ бозорида лицензион дастурий маҳсулотлар улушининг муттасил ўсиб бориши кузатилмоқда. 2016 йилда дастурий маҳсулотларнинг ҳажми 53490 млн. тенгени ташкил этган. Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлили қилиш шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда мамлакатда АКТ товарлари экспорти сезиларли даражада қисқаришга юз тутган. Жумладан, 2014 йилга нисбатан 2016 йилда қарийб беш баробарга қисқарган. Телекоммуникация асбоб-ускуналари ва компьютерлар экспорти кескин камайганлигини кўриш мумкин.

Бироқ мамлакатда сўнгги йилларда электрон савдо бозори ҳажми ўсиб бораётганлигини кейинги 10-жадвалда кўриш мумкин. 2016 йил якунига кўра, мамлакатда электрон савдо бозори ҳажми 226440 млн.тенгени ташкил этиб, ўтган 2015 йилга нисбатан 45 фоизга ўсган.

10-жадвал.  
Қозоғистонда АКТ тармоғи ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий натижалари, млн. АҚШ доллари

	2014		2015		2016	
	Экспорт	Импорт	Экспорт	Импорт	Экспорт	Импорт
<b>Жами АКТ сектори бўйича</b>	<b>548</b>	<b>3326</b>	<b>247</b>	<b>2288</b>	<b>201</b>	<b>1924</b>
Товарлар	402	2990	104	1938	77	1652
Телекоммуникация ускуналари	256	1128	45	755	29	647
Компьютер ва тегишли жиҳозлар	46	627	9	403	7	224
Электрон бутловчи қисмлар	13	300	9	177	12	169
Аудио ва видео асбоб-ускуналар	66	432	13	259	11	250
Бошқа АКТ товарлари	21	503	28	343	18	361
<b>Хизматлар</b>	<b>146</b>	<b>336</b>	<b>142</b>	<b>350</b>	<b>124</b>	<b>272</b>
Телекоммуникацион хизматлар	132	193	130	184	109	114
Компьютер хизматлари	8	93	10	122	13	128
Информацион хизматлар	6	50	2	43	1	30

Манба: Отчет по отрасли информационно-коммуникационных технологий в Республике Казахстан. 2018 АО Национальный инфокоммуникационный холдинг «Зерде».

Қозоғистонда АКТ секторини қўллаб-қувватлашда инновацион грантлар алоҳида аҳамият касб этади. “Технологик ривожланишни қўллаб-қувватлаш Миллий агентлиги” АЖ инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. Мазкур агентлик томонидан

инновацион грантлар 16 та устувор йўналиш, шу жумладан АКТ соҳаси бўйича ҳам ажратилади.

11-жадвал.

**Қозоғистонда электрон тижорат бозори ҳажми, млн. тенге.**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>
Интернет орқали чакана савдо ҳажми, млн.тенге	28046	41263	50920	78501
Умумий чакана савдо ҳажмида электрон савдонинг улуши,%	0,5	0,7	0,8	1,0
Интернет орқали улгуржи савдонинг ҳажми, млн.тенге	52988	50818	65656	67741
Улгуржи савдонинг умумий ҳажмида электрон савдонинг улуши, %	0,4	0,3	0,4	0,4
Интернет орқали хизматларни реализация қилиш ҳажми, млн.тенге	71256	73488	39156	80198
<b>Жами</b>	<b>152290</b>	<b>165569</b>	<b>155732</b>	<b>226440</b>

*Манба: Отчет по отрасли информационно-коммуникационных технологий в Республике Казахстан. 2018 АО Национальный инфокоммуникационный холдинг «Зерде».*

Қозоғистон Республикаси Президентининг Фармони билан ташкил этилган “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗси учун бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари кўзда тутилган бўлиб, мазкур имтиёзлар 2028 йилга қадар амал қилиши белгилаб қўйилган<sup>50</sup>. ЭИЗ Қозоғистон Республикасининг Солиқ Кодекси, “Қозоғистон Республикасида махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни ва шунингдек Божхона иттифоқи иштирокчи мамлакатлари ўртасида 2010 йил 18 июнда имзоланган келишувга мувофиқ қатор солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланмоқда.

Мамлакат солиқ қонунчилигига мувофиқ, солиқ имтиёзларидан фойдалана олиш учун компания қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

✓ “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗси ҳудудидаги солиқ органида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши ва МИЗ ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошириши лозим;

✓ “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗси ҳудудидан ташқарида ўз таркибий бўлинмаларига эга бўлмаслиги;

✓ Ялпи йиллик даромаднинг камида 70 фоизи “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗсини ташкил этишдан кўзланган мақсад ва асосий фаолият турларидан олиниши лозим.

Мамлакат солиқ қонунчилигида “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗсининг устувор фаолият йўналишлари белгилаб берилган: АКТ аппаратлари, маълумотлар баъзаси ва дастурий таъминот маҳсулотлари

<sup>50</sup> Қозоғистон Республикаси Президентининг 2003 йил 18 августдаги 1166-сонли Фармони билан ташкил этилган “Инновацион технологиялар парки” эркин иқтисодий зонаси.

ишлаб чиқариш; АКТ соҳасида ИТТКИларини амалга ошириш; АКТ соҳасида таълим дастурларини амалга ошириш; Маиший ва офис техникасини ишлаб чиқариш ва ҳоказо.

Божхона имтиёзларига эга бўлиш учун компаниялар “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗси ҳудудида ўз фаолиятларини амалга оширишлари талаб этилади. Божхона имтиёзлари Қозоғистон Республикасининг “Қозоғистон Республикасида махсус иқтисодий зоналар фаолият тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Божхона иттифоқи ва Қозоғистон Республикасининг боғхона ҳужжатлари билан белгилаб берилди.

2017 йилнинг 1 июл ҳолатига 154 та компания “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗсида рўйхатдан ўтказилган бўлса, улардан 59 таси бевосита махсус зона ҳудудида фаолият кўрсатмоқда, 62 та компания экстерриториаллик тамойили бўйича иш юритмоқда, 33 та компания шартнома шартларига риоя этмаганлиги муносабати билан махсус зона ҳудуди резиденти мақомидан чиқарилиш арафасида. “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗсининг бугунги кунгача бўлган фаолияти давомида 22,6 млрд.тенге инвестиция маблағлари ўзлаштирилганлигини кўришимиз мумкин. Махсус зона томонидан 113 млрд.тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

“Инновацион технологиялар парки” ЭИЗсининг умумий майдони 163 га.ни ташкил этади. Мазкур ҳудудда биринчи навбатда 22,6 га. (“ЦИТТ” АЖ-7,5 га., Glotur-3,2 га., Физика-техника институти-2,8 га., КТ Glou Lab-0,7 га., Delta IT-0,6 га, Нурсат плюс-0,6 га, КИНГ-7,2 га) ўзлаштирилган бўлса, иккинчи навбатда 140,3 га. ер майдонини ўзлаштириш ва АКТ соҳасида янги қувватлар ва ишлаб чиқаришларни ташкил этиш кўзда тутилган.

“Инновацион технологиялар парки” ЭИЗси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида хорижий экспертлар қуйидаги таклиф ва тавсияларни беришади:

✓ “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗси резидентлари учун технологик маҳсулотлар учун давлат буюртмаларини шакллантиришда имтиёзлар тақдим этиш, ЭИЗ резидентларининг ИТТКИларини рағбатлантириш мақсадида инвестицияларни кўпайтириш. Бу вазифанинг ҳал этилиши ишлаб чиқариш қувватларининг “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗси ҳудудига кўчиб ўтишига замин яратади.

✓ “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗси ҳудудида бугунги кунда солиққа тортишнинг мураккаб тизими амал қилишини ҳисобга олган ҳолда, Беларус Республикасининг тажрибасидан фойдаланиш талаб этилади. Унга кўра “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗсининг барча резидентлари учун экстерриториаллик тамойилини қўллаш тавсия этилади.

✓ ИТТКИларини жонлантириш мақсадида ишлаб чиқариш, лабораториялар, ОТМлари, турар жойларни ўз ичига олган яхлит экотизимни шакллантириш талаб этилади. Аммо бугунги кунда мазкур зонада экотизимнинг барча унсурлари тўқис ҳолда мавжуд эмас. Шу боис “Инновацион технологиялар парки” ЭИЗси ҳудудида технологик университетларни, тармоқ лабораторияларини, компания ходимлари учун турар жойларни барпо этиш лозим.

✓ Мамлакатда импорт ҳажмининг юқорилигини инобатга олган ҳолда, асосий йўналишни экспорт салоҳиятини оширишга қаратиш талаб этилади.

Бугунги кунда Қозоғистонда АКТ соҳасини ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги аҳамиятлидир.

АКТ соҳасини ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчилик алоқаларининг ривожлантирилиши қуйидаги имкониятларни тақдим этади:

биринчидан, давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини ривожлантириш тадбиркорлик тузилмаларининг иқтисодий жозибадорлигини янада оширишга, тадбиркорлик тузилмалари ва давлат бошқаруви идораларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида қўйилган масалаларнинг ижобий ечимни топишга хизмат қилади;

иккинчидан, давлат-хусусий шерикчилик алоқаларини ривожлантириш давлат бошқаруви субъектларининг муҳим устувор йўналиши бўлмоғи лозим. Чунки ҳамкорликнинг муваффақияти бошқарилувчи объектлар олдига қўйилган муҳим вазифаларнинг қай даражада англаб етилганлигига боғлиқдир;

учинчидан, АКТ соҳасининг жадал тараққиёти давлат-хусусий шерикчилик алоқаларини йўлга қўйишнинг ҳар томонлама асосланган шаклининг танлаб олинишига боғлиқдир;

тўртинчидан, давлат-хусусий шерикчилигини йўлга қўйиш тартибини ҳуқуқий жиҳатдан асослаш, давлат идоралари билан тадбиркорлик тузилмалари ўртасидаги ўзаро алоқалар тартибини аниқлаштириш талаб этилади;

бешинчидан, АКТ соҳаси маҳсулотлари ва хизматларига талабнинг муттасил ўсиб бориши бундан буён ҳам АКТ сектори инвестицион жозибадорлигининг юқори бўлишидан далолат беради.

## **II боб бўйича хулосалар**

Амалга оширилган тадқиқотлар мамлакатимиздаги ЭИЗлар фаолиятини такомиллаштириш борасида бир қатор хулосалар қилиш имконини беради.

**Биринчидан,** қулай иқтисодий муҳит яратиш ва ЭИЗларнинг самарали фаолият юритиши учун уларни ишлаб чиқаришнинг айрим турларига ихтисослашувини таъминлаш муҳим. Фаолиятни эркинлаштириш даражаси ва солиқларнинг самарадорлиги муваффақиятли ва муваффақиятсиз ЭИЗларнинг юзага чиқишига олиб келади. ЭИЗларда бизнес харажатларини камайтириш учун менежмент, молия ва корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандартларга олиб чиқиш муҳим саналади.

**Иккинчидан,** ЭИЗларни бошқаришнинг мустақил тузилмаси мавжуд бўлгандагина, уларни ривожлантириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш мумкин бўлади.

**Учинчидан,** марказий давлат бошқаруви идоралари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор

йўналишларини белгилаб берар экан, у ЭИЗларни ривожлантирувчи драйверга айланиши керак.

**Тўртинчидан,** дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ЭИЗлар иқтисодий сиёсатнинг механизм ва воситаларини синаб кўриш майдончасига айлантирилган. Унга кўра, синалаётган механизм ва воситалар ижобий натижа берса, кейинчалик мамлакатнинг бошқа ҳудудларига жорий қилинади. Шу билан бир каторда ЭИЗлар хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон бозорларига кириб келишларини ва у орқали бошқа мамлакатлар бозорига чиқишини енгиллаштиради. Бунинг натижасида технологиялар трансфери жадаллашади, мамлакатнинг экспорт имкониятлари кенгаяди, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ортади, аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланади.



## **III боб. Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг стратегик аҳамияти (Сирдарё ЭИЗ мисолида)**

### **3.1. Сирдарё ЭИЗ фаолиятини такомиллаштириш мисолида Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

Мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини ошириш, уни юксак ривожланган ижтимоий соҳага эга бўлган ва саноати ривожланган давлат сифатида дунёга танитишга имкон берувчи замонавий инновацион илмий иқтисодиётни шакллантириш борасида янги механизмлардан бири, махсус зоналар тизими, шу жумладан ЭИЗлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ҳисобланади. Дунёнинг кўпчилиги мамлакатлар тажрибаси МИЗларни ташкил этиш мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига катта ижобий туртки бўлишини кўрсатмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва ривожланиш агентлиги UNCTAD нинг саноатни ривожлантириш стратегияларида кўзда тутилган инвестицион сиёсат чора-тадбирлари ва воситаларининг таҳлилларига кўра ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг қарийб 80 фоизи махсус зоналардан кенг фойдаланади.

ЭИЗларни барпо қилиш ва ривожлантириш бугунги кунда Ўзбекистон учун муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. ЭИЗларни ишлаб чиқариш жараёнларига инновацияларни жорий қилиш, илмий техник ёндашувни кучайтириш учун янги ғояларни генерация қилиш, бугунги кунда соҳа олдида тўпланиб қолаётган муаммоларни ҳал этиш муҳим.

Мамлакат ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини янги босқичга кўтариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва туризмни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш, халқаро меҳнат тақсимооти талабларини инобатга олган ҳолда миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигида мустақкам ўринга эга бўлишига кўмаклашиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш мамлакатимизда ЭИЗларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсадлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда ягона бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Бухоро-агро” ЭИЗсига инвесторлар томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда. “Бухоро-агро” ЭИЗси 2018 йилда ташкил этилган бўлсада, бугунги кунда мазкур зонада умумий қиймати 578,3 миллион АҚШ доллари бўлган ва 9720 та янги иш ўрни яратилишини таъмин этувчи 149 та инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда.

“Қўқон” ЭИЗсида амалга оширилаётган ишлар ҳам истиқболли ҳисобланади, хусусан бугунги кунда ушбу зонада 6,5 минг янги иш ўрни яратилишига имкон берувчи, умумий қиймати 200 млн. АҚШ долларида ошиқ бўлган 106 та инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда. Ҳозирда 15,2 млн. АҚШ долл. қийматига эга бўлган 13 та лойиҳа амалга оширилиб, мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.


Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб, фаолияти йўлга қўйилган “Ангрен” ЭИЗда инвестицион фаоллик кўзга ташланмоқда. Мазкур ЭИЗда умумий қиймати 1 млрд. АҚШ долл. бўлган 104 та инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши 11,2 мингта иш ўрни яратилишини таъминлайди. Бугунги кунда амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳаларнинг 47 таси ёки умумий лойиҳалар сонининг 45 фоизи амалга оширилиши натижасида 565,1 млн. долл. инвестиция маблағлари ўзлаштирилиб, 4 мингдан ошиқ янги иш ўринлари яратилди.

“Ургут”, “Ғиждувон”, “Сирдарё” ЭИЗлари ҳам жадаллик билан ривожланаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳудудларда мос равишда 24, 12 ва 16 та лойиҳалар амалга оширилиб, ўзлаштирилиши кўзда тутилган инвестиция маблағларининг 39,3 фоиз, 47,2 фоиз ва 52,2 фоизи бугунги кунга келиб тўлиқ ўзлаштирилди.

Янгидан ташкил этилган аксарият ЭИЗларда инвесторлар учун манфаатли таклифларнинг йўқлиги боис, 2018 йилда ЭИЗларга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 2017 йилга нисбатан 28,4 фоизни ташкил этган. Бу биринчи навбатда ЭИЗлар дирекциялари томонидан инвесторларни

жалб қилиш бўйича чуқур ва пухта ўйланган маркетинг стратегияларининг йўқлиги билан изоҳланади. Шу билан бир қаторда хорижий инвесторлар ўз маблағларини ЭИЗларга киритишда фаоллашганликларини ҳам кузатишимиз мумкин. Хорижий инвестицияларнинг ўсиши 39,6 фоизни ташкил этган бўлса, ЭИЗларга йўналтирилган умумий инвестицияларда уларнинг улуши 2017 йилдаги 5,4 фоиздан 2018 йилда 26,8 фоизгача ўсганлигини кўриш мумкин.

2009 йилдан буён мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ЭИЗлар томонидан умумий қиймати бир млрд. АҚШ долл.дан ошиқроқ бўлган 169 та инвестицион лойиҳа амалга оширилган. Бунинг натижасида 11,5 мингта янги иш ўрни яратилган. Яқин истиқболда умумий қиймати 4 млрд. АҚШ долл.дан зиёд бўлган 662 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиши ва бунинг натижасида 50,6 мингта янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.



**6-расм. 2010-2018 йиллар давомида ЭИЗларнинг асосий фаолият кўрсаткичлари.**

Манба: Ўзбекистон Республикаси саноат ва иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Хорижий инвесторлар иштирокида амалга оширилувчи лойиҳалар сонини кўпайтириш ЭИЗлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Хусусан, 2019 йил бошидан буён ЭИЗларда 72 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, уларда хорижий инвестицияларнинг улуши 63 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин. 103 та инвестицион лойиҳаларда

хорижий инвесторлар иштирок этиш истагини билдиришган. Мазкур лойиҳаларга 1360 млн.долл миқдорида маблағ киритилиши режалаштирилган бўлиб, уларда хорижий инвестицияларнинг улуши 77 фоизни ташкил қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ЭИЗларда умумий қиймати 2 млрд. АҚШ долл.га тенг бўлган 434 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш асносида 32,5 мингта янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Амалга оширилаётган лойиҳалар истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳаларга нисбатан бир мунча кам харажатли ҳисобланади. Амалга оширилаётган битта лойиҳанинг ўртача қиймати 12,4 млн. АҚШ долл.ни ташкил этаётган бўлса, истиқболда бундай лойиҳаларнинг ўртача қиймати 21 млн. АҚШ долл.ни ташкил этиши кутилмоқда. Амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳалар қиймати ошиб борсада, замонавий технологияларнинг жорий этилиши ҳисобига кам сонли иш ўринлари яратилади (1-илова).

Навоий вилояти ҳудудини тўлиғича ЭИЗга айлантириш тўғрисидаги Президент Фармонининг қабул қилиниши янги ҳудудий-ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил қилишда янги имкониятларни тақдим этди. ЭИЗнинг фаолият кўрсатиши муддати 2030 йилгача белгиланган бўлиб, юқори технологияли, инновацион, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш асосий мақсад ҳисобланади.

Шу билан бирга, ЭИЗларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш амалиётини ўрганиш уларнинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, маъмурий кенгашлар ва ЭИЗлар дирекциялари фаолиятининг етарлича самарали эмаслиги, шунингдек, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг суст ривожланганлиги инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда ва ЭИЗларнинг салоҳиятли инвесторлар учун жозибадорлигини пасайтирмоқда.

ЭИЗлар фаолиятини мувофиқлаштиришда давлат бошқаруви органлари функцияларининг такрорланиши инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилишнинг кечикишига олиб келмоқда.

Янги ЭИЗларни ташкил қилишда инвестицион лойиҳаларни жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини, лойиҳаларни амалга оширишга тайёргарликнинг қай даражада эканлигини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Мазкур масалаларнинг чуқур таҳлил қилинмаганлиги боис бугунги кунда ташкил этилган ЭИЗларнинг ярмидагина ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган. Фармацевтик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган ЭИЗларнинг бор йўғи иккитасида инвестицион лойиҳалар амалга оширилган ҳолос.

ЭИЗлар биринчи навбатда экспортни ривожлантириш ва маҳаллий ҳом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида юқори технологияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилган бўлсада, таҳлилларимиз бу вазифа талаб даражасида бажарилмаётганлигини кўрсатмоқда. Саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари улушида ЭИЗлар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг улуши 0,1 фоиздан камроқни ташкил этмоқда, мазкур зоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 22 фоизи экспортга йўналтирилмоқда ҳолос. Хорижий мамлакатларда эса ушбу зоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 40-60 фоизи экспортга йўналтирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ЭИЗларда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар сифати ва уларни амалга ошириш мониторинги ҳар доим ҳам махсус зоналарнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш борасида қўйилувчи талабларга жавоб бермайди. Бу эса ўз навбатида кутилаётган натижани бермаяпти, хусусан ЭИЗларда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг асосий қисми ички инвестициялар ҳисобига молиялаштирилмоқда (64 фоиз). 2018 йилда саноатга йўналтирилган хорижий инвестициялар улуши атиги 1 фоизни ташкил этганлиги ачинарли ҳолат ҳисобланади.

### **3.2. Сирдарё ЭИЗ фаолиятини янада такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари**

Сирдарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда оқилона фойдаланишини таъминлаш, шу аснода янги иш ўринлари ташкил этиш ва маҳаллий аҳолининг даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Сирдарё” ЭИЗсини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5412-сонли Фармони ва Сирдарё вилояти ҳокимининг 2018 йил 13 апрелдаги 299-сонли қарорига асосан “Сирдарё” ЭИЗ дирекцияси” давлат унитар корхонаси Сирдарё тумани ва Янгиер шаҳридан Сирдарё вилоятидан ўтган М-34 ва М-39 магистрал йуллари бўйлаб жами 897,2 гектар ер майдони ажратилган ҳолда ташкил этилди<sup>51</sup>.

Мазкур ЭИЗнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилаб берилди:

Сирдарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш;

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни, шунингдек, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш;

ЭИЗ корхоналари ўртасида ҳамда бошқа маҳаллий корхоналар билан мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш асосида

---

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5412-сонли Фармони. <http://www.lex.uz/docs/3678367>

маҳаллий хом ашё ва материаллардан юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

“Сирдарё” ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, ушбу ҳудудда сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

ЭИЗларнинг соҳа кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этишда ва уларнинг ЭИЗда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташида қатнашиш.

2018-2019 йиллар давомида “Сирдарё” ЭИЗсида 20 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиб, бунинг натижасида 1600 га яқин янги иш ўринлари яратилди ва қарийб 18 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ва хизматлар экспорти таъминланди<sup>52</sup> (3-илова).

“Сирдарё ЭИЗ” мисолида ЭИЗларнинг ривожланишига қандай омиллар тўсиқ бўлаётганлигинини билиш мақсадида, инвестицион иқлимнинг SWOT-таҳлилини амалга оширамиз. “Сирдарё ЭИЗ” ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган иқтисодий ҳудудларнинг муаммолари кўп жиҳатдан ташқи муҳит омилларига боғлиқ бўлгани ҳолда, уларнинг аксарият қисми давлатнинг мазкур ҳудудларни ташкил этиш борасида “тепадан пастга” тамойили асосида амалга оширган сиёсати натижаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, бугунги кунда ЭИЗларни ташкил этиш ва ривожлантиришда ЭИЗларнинг ташқи муҳит ўзгаришларига тезда мослаша олмаслиги; ЭИЗ резидент-корхоналари инвестицион фаоллиги ва унда кечаётган инновацион жараёнларнинг нисбатан сустлиги; ЭИЗларни ривожлантириш учун ажратилаётган бюджет маблағларининг ноқонуний йўллар билан ўзлаштирилиши, коррупцион схемаларнинг ҳамон сақланиб қолаётганлиги, солиқдан қочиш мақсадида корхоналар томонидан спекулятив схемалардан кенг фойдаланилиши; ташқи иқтисодий фаолият ва

---

<sup>52</sup> Сирдарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.//<http://sirstat.uz/uz/rasmiy-statistik>

инвестицион ресурслар бозорида фаолият олиб бориш кўникмасига эга бўлган малакали мутахассислар етишмаслиги; ЭИЗ тўғрисида хорижий сармоядорлар ўртасида салбий фикрларнинг мавжудлиги каби кучсиз жиҳатлар билан бир бирга, бир катор имкониятлар ҳам мавжуд, улардан оқилона фойдаланиш келгусида ЭИЗнинг фаолият самарадорлигининг ортишига олиб келади. Мавжуд кучли жиҳатларни янада мустаҳкамлаш ва кучсиз жиҳатлар таъсирини минималлаштириш, бор имкониятларни тўлақонли тарзда ишга тушириш ҳисобига ЭИЗнинг инвестицион иқлимини яхшилаш учун келгусида SWOT-таҳлилнинг тўртта стандарт стратегиясини ҳисобга олган ҳолда иш кўриш талаб этилади.

1) S-O (имкониятларни тўла рўёбга чиқариш учун кучли томонлардан фойдаланиш): масалан, транспорт коммуникациялари, географик ва логистик жиҳатдан қулай жойлашув ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга ва экспорт салоҳиятини ошишига хизмат қилиши мумкин, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг алоҳида тартиби-инновацион ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга хизмат қилади.

2) W-O (имкониятлардан фойдаланиш учун кучсиз жиҳатларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлар): очик инновациялар моделини кўллашга ЭИЗ имиджининг яхши эмаслиги салбий таъсир кўрсатса, уч ёқлама спирал моделини амалга оширишга-резидент-корхоналар инновацион фаоллигининг пастлиги салбий таъсир кўрсатади. Бу камчиликларни бартараф этиш учун ЭИЗда капитални турли тавсифдаги хавф-хатарлардан ҳимоя қилувчи жозибадор бўлган суғурталаш тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

3) S-T (ҳавф-хатарларни бартараф этиш учун кучли томондан фойдаланишга қаратилган ҳаракатлар): масалан, ЭИЗни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларига эришишда хусусий инвестор ва резидентларнинг қизиқишларини ошириш мақсадида рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади; шунингдек солиққа тортиш борасидаги преференциялар хорижий инвестициялар учун рақобат кураши



кучайган бир шароитда ЭИЗга инвестиция киритиш борасида муҳим қарорлар қабул қилишда етакчи ўрин тутди.

12-жадвал.

**Сирдарё ЭИЗ мисолида таркиб топган инвестицион иқлимнинг SWOT-таҳлили**

<b>Кучли томонлар (S – strengths):</b>	<b>Кучсиз томонлар (W – weaknesses):</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Эркин божхона ҳудуди тартиби ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг алоҳида тартиби амал қилиши (солиқ имтиёзлари, маъмурий тартибга солишнинг соддалаштирилган тизими-“ягона дарча” тамойилининг амал қилиши;</li> <li>✓ ЭИЗнинг замонавий инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги;</li> <li>✓ йирик транспорт коммуникациялари яқинида жойлашганлиги каби бир қатор табиий-логистик устуворлик;</li> <li>✓ Катта табиий-ресурс салоҳияти ва шу кабилар</li> <li>✓ к/х маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда қулай табиий шароит ҳамда маҳаллий хомашё базаси ривожланган</li> <li>✓ арзон ишчи кучи</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ ЭИЗнинг ташқи муҳит ўзгаришларига тезда мослаша олмаслиги;</li> <li>✓ ЭИЗ резидент-корхоналари инвестицион фаоллиги ва унда кечаётган инновацион жараёнларнинг нисбатан сустлиги;</li> <li>✓ ЭИЗни ривожлантириш учун ажратилаётган бюджет маблағларининг ноқонуний йўллар билан ўзлаштирилиши, коррупцион схемалар ҳамон сақланиб қолаётганлиги, солиқдан қочиш мақсадида корхоналар томонидан спекулятив схемалардан кенг фойдаланилиши;</li> <li>✓ Ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицион ресурслар бозорида фаолият олиб бориш кўникмасига эга бўлган, ҳамда, муҳандислик йўналишларида илмий техник малакали мутахассислар етишмаслиги;</li> <li>✓ ЭИЗлар тўғрисида хорижий сармоядорлар ўртасида салбий фикрлар мавжудлиги</li> <li>✓ Ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллийлаштириш даражасининг пастлиги</li> <li>✓ Экспорт географиясини торлиги</li> <li>✓ ЭИЗда замонавий АКТ, маркетинг ва менежмент тизимларининг ривожланмаганлиги</li> </ul>
<b>Имкониятлар (O – opportunities):</b>	<b>Хавф-хатарлар (T – threats):</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ Ташқи иқтисодий алоқаларнинг кучайиши ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган давлатнинг рағбатлантирувчи сиёсати;</li> <li>✓ Марказий Осиё давлатлари ва шунингдек МДХ давлатлари доирасида интеграцион алоқаларнинг янада кучайиб бораётганлиги;</li> <li>✓ Очиқ инновациялар моделининг кенг қўлланилиши;</li> <li>✓ Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда тадқиқотларни амалга ошириш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;</li> <li>✓ Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилиши;</li> <li>✓ ЭИЗ билан университет ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари ўртасида “уч ёқлама спирал модели” асосида ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши;</li> <li>✓ ЭИЗнинг нуфузини ошириш мақсадида моҳирона менежмент ва маркетинг стратегияларининг амалга оширилиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ ЭИЗ фаолиятини тартибга солиш борасида давлатнинг пухта ўйланган сиёсатини ифода этувчи стратегия ва концепцияларнинг мавжуд эмаслиги;</li> <li>✓ ЭИЗ бошқаруви мустақиллик даражасининг пастлиги;</li> <li>✓ ЭИЗ ташкил этишдан кўзланган мақсадларга эришишда хусусий инвестор ва резидентларнинг қизиқиш ва манфаатдорлигининг пастлиги;</li> <li>✓ ЭИЗ резидентлари фаолиятини баҳолашнинг самарали тизимининг мавжуд эмаслиги;</li> <li>✓ Хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ривожланаётган мамлакатлар ўртасида рақобат курашининг тобора шиддатли тус олиши</li> </ul>

**Манба: муаллиф ишланмаси**

4) W-T (хавф-хатарларни камайитириш учун кучсиз томонларни бартараф этишга йўналтирилган ҳаракатлар): масалан, ЭИЗни ривожлантириш борасида ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган яхлит

концепциянинг мавжуд эмаслиги ЭИЗ фаолияти самарадорлигининг пасайишига, имконият ва имтиёзлардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг авж олишига олиб келади, бу эса ўз навбатида бошқарувчи компаниялар ва резидентлар фаолиятини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда Сирдарё ва бошқа ЭИЗларнинг инвестицион иқлимини янада яхшилаш, хусусий инвестор ва резидентлар олдида ЭИЗнинг нуфузини ошириш масалаларини ўз ичига олган узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиши ва бу жараён бевосита давлат томонидан алоҳида назоратга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **3.3. Сирдарё ЭИЗ фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш истикболлари**

Мамлакатимизда ЭИЗлар фаолиятини бошқариш **Маъмурий кенгаш ва ЭИЗ дирекцияси** томонидан амалга оширилади.

**ЭИЗларнинг маъмурий кенгаши** ЭИЗлар фаолиятини давлат томонидан бошқариш ва мазкур зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Маъмурий кенгаш инвестициялаш борасидаги битимлар бўйича асосий талабларни белгилайди, лойиҳаларнинг бизнес-режаларини ва ЭИЗ иштирокчиси мақомини олиш учун аризаларни кўриб чиқади, ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш учун лойиҳаларни саралайди. Маъмурий кенгаш турли вазирлик ва идораларнинг вакилларида ташкил топган. Бу ўз навбатида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги аризаларни ўз вақтида кўриб чиқишни мураккаблаштиради, чунки маъмурий кенгашнинг ҳар битта аъзосининг аризаларни кўриб чиқиши учун муайян муддат талаб этилади. Маълумот тариқасида айтиш мумкинки, “Сирдарё” ЭИЗсида лойиҳани молиялаштириш манбаларидан қатъий назар, лойиҳа қиймати 5 млн. АҚШ долларида ошиқ инвестицион лойиҳалар бўйича барча манфаатдор вазирлик ва идоралар ўзларининг ёзма хулосаларини берсаларда, жараённинг якунида Республика маъмурий кенгашининг якуний Йиғилиш баёни қарорини тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари имзолашлари

талаб этилади. Бу амалиёт аризаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича якуний хулоса олиш муддатининг чўзилишига олиб келади.

Бундан ташқари, Маъмурий кенгаш ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширмайди, бу эса инвесторлар билан доимий мулоқотда бўлиш имкониятини чеклаб қўяди.

**ЭИЗ дирекцияси** бевосита ЭИЗ иштирокчилари билан доимий иш олиб боровчи, хорижий инвесторларга ҳар томонлама кўмак кўрсатувчи орган ҳисобланади. Бу жараёнда ЭИЗ дирекциясининг штат сони ЭИЗ фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олиш ва уни самарали бошқариш учун етарли эмаслигини кузатиш мумкин. Аксарият ҳолатларда ЭИЗ дирекциясининг ходимлари ЭИЗ фаолиятини самарали йўлга қўйиш, ўз кўникма ва малакасини муттасил тарзда ошириб бориш имкониятига эга эмас. Хусусан, “Сирдарё” ЭИЗ дирекцияси фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, дирекция ходимлари сони инвесторлар билан ишлаш учун етарли эмас, ходимларнинг етакчи хорижий давлатларнинг ЭИЗлари фаолияти билан танишиш мақсадида хорижий сафарларга чиқиш имконияти чекланган. Дирекциянинг моддий-техник базаси инвесторлар билан йирик учрашувлар ташкил этиш, инвесторлар учун ЭИЗ ҳудудида экскурсия ташкил этиш имконини бермайди.

Бундан ташқари, ЭИЗ учун яна бир энг катта муаммолардан бири, бу-ер участкаларини олиш ҳисобланади. ЭИЗ ҳудудидаги ер майдонлари бевосита вилоят ҳокимлиги тасарруфида бўлгани ҳолда, маъмурий кенгаш қарори асосида ЭИЗ иштирокчиларига тегишли вилоят ҳокимининг қарори асосида ажратиб берилади. Мазкур ҳолат ЭИЗ иштирокчилари билан тегишли ҳокимлик ўртасида ер участкаларини ажратиб бериш борасида қатор қийинчиликларни ва низоларни келтириб чиқаради.

Буларнинг барчаси маъмурий кенгаш ва ЭИЗ дирекцияси томонидан ЭИЗни бошқаришнинг таркиб топган бошқарув тизимининг самарасизлигини кўрсатади. Шуни таъкидлаш лозимки, тараққий этган мамлакатларда ЭИЗларни бошқариш ягона орган томонидан бошқарилади. Хусусан,

юқорида ўрганиб чиққан хорижий давлатларимиздан Хитойда Гуандун провинциясида ЭИЗ бошқариш бўйича Гуандун провинцияси Қўмитаси ташкил этилган бўлса, Жанубий Кореяда ЭИЗ Қўмитаси фаолият кўрсатади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Сирдарё ЭИЗ мисолида ЭИЗ бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

✓ амалдаги Маъмурий кенгаш ва ЭИЗ дирекциясининг ваколатларини бирлаштириш, Маъмурий кенгашнинг ваколатини ЭИЗ дирекциясига бериш лозим. Шу билан биргаликда ЭИЗ дирекциясининг штат бирлиги сонини кўпайтириш талаб этилади. Юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш ЭИЗ дирекцияси фаолияти самарадорлигининг ортишига, давлат идораларининг ЭИЗ фаолиятига кўп босқичли аралашув тизимининг соддалашувига хизмат қилади.

✓ 5 млн. АҚШ долл.дан ошиқ бўлган инвестицион лойиҳалар бўйича аризаларни кўриб чиқиш ваколатини ЭИЗ дирекциясига бериш, бу ўз навбатида инвесторлар билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш, уларнинг аризаларини тезкор кўриб чиқилишини таъминлайди. Мазкур вазиятда маҳаллий давлат бошқарув идораси билан ЭИЗ дирекциясининг ўзаро таъсирлашув доирасини аниқлаштириш талаб этилади. Бунда ЭИЗ фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб бериш борасидаги ваколатларни Республика мувофиқлаштирувчи кенгашида қолдириш зарур.

✓ маъмурий ислохотлар концепциясидан келиб чиққан ҳолда, давлат идораларининг иқтисодиётга аралашувини камайтириш мақсадида ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратиб бериш ваколатини ЭИЗ дирекциясига бериш керак.

Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, ЭИЗларни бошқариш ваколатини хорижий менежерлар ва ихтисослашган компанияларга бериш, ЭИЗ фаолиятини самарали бошқаришда катта ўрин тутаяди. Шу сабабли, тажриба тариқасида Сирдарё ЭИЗни бошқаришни бошқаришда катта тажрибага эга бўлган хорижий компания ва менежерларга бериш имконияти ва амалиётини

қараб чиқиш лозим. Масалан, бугунги кунда Қозоғистонда “Оқтов денгиз порти”ни бошқаришни БААнинг DP World компаниясига бериш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Ушбу компания Панаманинг “Panama Pacifico” ЭИЗсини бошқариш ваколатини қўлга киритиб, уни ривожлантиришга 705 млн. АҚШ долл. йўналтирган.

ЭИЗ иштирокчиларини рўйхатга олиш ва ЭИЗ ҳудудида инвестицион лойиҳаларни жойлаштириш учун инвестицион лойиҳаларни танлаб олиш жараёнида инвестор ЭИЗ дирекциясига ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун тўлдирилган инвестицион ариза тақдим этади ва унга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур инвесторнинг фаолиятини ёки инвесторнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки маълумот;

инвестицион лойиҳага илова қилинувчи бизнес-режа;

инвесторнинг мазкур соҳада тажрибага эга эканлигини тасдиқловчи маълумотлар;

инвесторнинг сўнгги уч йил давомидаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида маълумотлар.

Агар инвестор мазкур соҳада ишлаш тажрибасига эга бўлмаса, у ЭИЗ дирекциясига шу соҳада ишлаш тажрибасига эга бўлган шерикларни жалб этиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

Инвестор хўжалик фаолиятини амалга оширган ёки оширмаганлигидан қатъий назар дирекцияга ҳамкорлардан бирининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши керак бўлади. Тадбиркорлик фаолияти таваккалчиликка асосланишини ҳисобга олган ҳолда, инвесторнинг у ёки бу фаолият соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши, унинг келгусида муваффақиятли фаолият кўрсатишини кафолатламайди. Бундан ташқари, инвесторлар тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, ЭИЗ ҳудудида самарали ишлаб чиқаришларни йўлга қўйишлари мумкин. Дунёнинг аксарият мамлакатларида инвесторлар мазкур ҳуқуқдан кенг фойдаланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ЭИЗ иштирокчиларини

рўйхатга олиш ва уларга ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишда мазкур талабни бекор қилиш тавсия этилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ЭИЗ иштирокчиларига улар киритган инвестиция миқдоридан келиб чиққан ҳолда, 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга солиқ имтиёзлари берилади. Киритилиши лозим бўлган инвестицияларнинг минимал миқдори 300 минг АҚШ долл. эквивалентини ташкил этади. Бироқ, бугунги кунда бозорда таркиб топган вазият, тадбиркорлик фаолияти ривожининг айна дамдаги ҳолати мазкур маблағ суммасининг бир мунча катта эканлигини ва бу маҳаллий инвесторларнинг иштиёқини сўнишига олиб келаётганлигини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан инвестициялар оқимини кўпайтириш, қулай инвестицион иқлимни шакллантириш мақсадида Сирдарё ЭИЗга киритилувчи инвестицияларнинг энг кам миқдорини 100 минг АҚШ долл. эквиваленти қилиб белгилаш лозим.

ЭИЗ иштирокчиларини солиққа тортиш борасидаги камчиликлардан яна бири, бу солиқ имтиёзларини ҳисоблаш муддати ҳисобланади. Одатда, солиқ имтиёзларини ҳисоблаш ЭИЗ дирекцияси томонидан иштирокчини рўйхатга олинган даврдан бошлаб ҳисобланади. “Сирдарё” ва мамлакатимиздаги бошқа ЭИЗнинг ташкил этилганлигига унча кўп муддат бўлмаганлиги, мазкур зоналарда инфратузилма, зарурий объектлар ва технологик линиялар эндигина ташкил этилаётганлиги боис, ЭИЗ иштирокчиларига технологик жараёнларни ҳамда ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини бошлашлари учун маълум бир муддат талаб этилади, шу боис ЭИЗ иштирокчиларига ҳисобланувчи солиқ имтиёзларини улар ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйган пайтидан бошлаб ҳисоблаш зарур.

ЭИЗ ташкил этишдан асосий мақсадлардан бири экспорт салоҳиятини ошириш эканлигини инобатга олсак, бугунги кунда ЭИЗ иштирокчилари ЭИЗ иштирокчилари бўлмаган корхоналар билан бир хил маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқармоқда ва яратилган солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланмоқда. Бу ўз навбатида иқтисодиётда носоғлом рақобат муҳитининг қарор топишига олиб келишини унутмаслик лозим.

Ижтимоий инфратузилманинг етарлича ривожланмаганлиги “Сирдарё” ва бошқа ЭИЗни ривожлантириш борасидаги муҳим тўсиқлардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида инвестициялар оқимининг кўпайиши, ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш қувватининг экспорт салоҳиятининг ортишига катта салбий таъсир кўрсатади. ЭИЗ дирекцияси уй-жой, маданий объектлар, умумий овқатланиш, чакана савдо шаҳобчалари, спорт-соғломлаштириш ва тиббиёт муассасаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

ЭИЗларни ташкил этишнинг жаҳон тажрибаси ЭИЗларни маълум бир фаолият турига ихтисослаштириш катта самара беришини кўрсатади. Шуни инобатга олган ҳолда, Сирдарё ва бошқа ЭИЗни маълум бир фаолият ва ишлаб чиқариш турларига мослаштириш замон талаби ҳисобланади.

Бугунги кунда нафақат “Сирдарё”, балки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бошқа ЭИЗлар унчалик ҳам таниқли ва машҳур эмас. Глобал интернет тармоғида “Сирдарё” каби бир қатор ЭИЗларнинг расмий веб-сайтлари мавжуд эмас, мавжудларининг эса веб-саҳифалари талабга жавоб бермайди. Киритилган маълумотлар қарийб икки йилдан буён деярли янгиланмаган. ЭИЗларнинг инвестицион салоҳияти билан танишишга имкон берувчи хорижий тилларда саҳифалар йўқ (2-илова). ЭИЗларнинг имкониятларини тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимиз ЭИЗлари томонидан реклама кампаниялари деярли амалга оширилмасдан келмоқда. Хусусан, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Дубай ЭИЗлари кенг миқёсли реклама кампанияларини амалга ошириш ҳисобига машҳурлик даражасига чиққан. Дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Сирдарё” ва бошқа ЭИЗларига инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш талаб этилади. Давлат мулки ва давлат ташаббускорлиги асосида ташкил этилган ЭИЗлардан аста-секинлик билан хусусий мулкка асосланган ЭИЗларни ташкил этиш амалиётига ўтиш ЭИЗларни ташкил этишнинг замонавий концепциясининг мазмунини ташкил этади.

ЭИЗлар доирасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини йўлга қўйишга қуйидагилар яққол мисол бўла олади:

✓ Ички инфратузилмани хусусий сектор томонидан молиялаштиришни рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан ташқи инфратузилма объектлари ва молиявий маблағларни тақдим этиш;

✓ Давлат ЭИЗларининг активларини бошқариш мақсадида хусусий операторга ижарага бериш ёки давлат ЭИЗларини хусусий компаниялар бошқарувига ўтказиш;

✓ Мулкни ва фаолият натижаси бўлган маҳсулотларни бўлишиш тўғрисида битимлар тузиш;

✓ Build-operate-transfer ва build-own-operate тизимидан фойдаланиш.

ЭИЗларни ривожлантиришда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда ҳуқуқий жиҳатдан юксак таракқий этган мамлакатлар қонунчилиги асосида ЭИЗ фаолиятини ташкил этиш назарда тутилади.

### **III боб бўйича хулосалар**

“Сирдарё ЭИЗ” ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган иқтисодий ҳудудларнинг муаммолари кўп жиҳатдан ташқи муҳит омилларига боғлиқ бўлгани ҳолда, уларнинг аксарият қисми давлатнинг мазкур ҳудудларни ташкил этиш борасида “тепадан пастга” тамойили асосида амалга оширган сиёсати натижаси ҳисобланади. Ушбу вазиятда маҳаллий давлат бошқаруви идоралари, хусусий инвесторлар ва резидентларнинг манфаатлари ва қизиқишлари етарлича эътиборга олинмай қолади.

Ижтимоий инфратузилманинг етарлича ривожланмаганлиги “Сирдарё” ва бошқа ЭИЗни ривожлантириш борасидаги муҳим тўсиқлардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида инвестициялар оқимининг кўпайиши, ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш қувватининг экспорт салоҳиятининг ортишига катта салбий таъсир кўрсатади. ЭИЗ дирекцияси уй-жой, маданий объектлар, умумий овқатланиш, чакана савдо шаҳобчалари, спорт-соғломлаштириш ва тиббиёт муассасаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Шу билан бирга, ижтимоий, молиявий инфратузилма объектлари барпо қилиш, ўз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг мувофиқлигини ҳалқаро даражада



тан олинисини таъминлаш мақсадида стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ замонавий илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этиш, уларда консалтинг хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш ЭИЗ фаолияти самарадорлигининг ортишига хизмат қилади.

Бугунги кунда нафақат “Сирдарё”, балки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бошқа ЭИЗлар унчалик ҳам таниқли ва машҳур эмас. Глобал интернет тармоғида “Сирдарё” каби бир қатор ЭИЗларнинг расмий веб-сайтлари мавжуд эмас, мавжудларининг эса веб-саҳифалари талабга жавоб бермайди. Киритилган маълумотлар қарийб икки йилдан буён деярли янгиланмаган. ЭИЗларнинг инвестицион салоҳияти билан танишишга имкон берувчи хорижий тилларда саҳифалар йўқ. ЭИЗларнинг имкониятларини тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимиз ЭИЗлари томонидан реклама кампаниялари деярли амалга оширилмасдан келмоқда. Хусусан, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Дубай ЭИЗлари кенг миқёсли реклама кампанияларини амалга ошириш ҳисобига машҳурлик даражасига чиққан. Дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Сирдарё” ва бошқа ЭИЗларига инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш талаб этилади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

ЭИЗлар мамлакат, ҳудудлар, зона инвесторлари томонидан кўзланган макроиқтисодий, сиёсий ва микроиқтисодий мақсадларнинг амалга оширилишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини таҳлил қилиш, бир қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

биринчидан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудларида жойлаштириш учун лойиҳаларни танлашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмас. Инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқишда янгидан ташкил этилаётган иш ўринлари сони, салоҳиятли хорижий шерик ва инвестор-мамлакатнинг мавжудлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда талаб қилиниши, экспорт ҳажми, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси ҳисобга олинмаяпти;

иккинчидан, ЭИЗлар ҳудудида жойлаштириш ва амалга ошириш учун таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини келишиб олиш ва маъқуллаш механизми амалда ҳаддан ташқари мураккаб бюрократизмга учраган, бу эса мазкур лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилишни қўп ойларга чўзиб юбормоқда;

учинчидан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари учун зарур муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ўз вақтида барпо этиш масалаларига етарлича эътибор берилмаяпти;

тўртинчидан, таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларининг ишончли молиявий манбалар, шу жумладан, маҳаллий ва хорижий кредит ресурслари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ишончли таъминланиши муфассал ишлаб чиқилмаган. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарига бириктирилган тижорат банклари ушбу муаммоларни ҳал этишда суст иштирок этмоқда;

бешинчидан, ЭИЗларнинг иштирокчилари Республика товар-хомашё биржаси орқали сотиладиган хомашё ресурсларини зарур ҳажмда сотиб олишда каттагина қийинчиликларга дуч келмоқда;

олтинчидан, ЭИЗларнинг ҳудудида фойдаланишга топширилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан ниҳоятда самарасиз фойдаланилмоқда, бунинг оқибатида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмлари ҳамда иш жойлари сони тасдиқланган бизнес-режалар параметрларига мувофиқ келмайди;

еттинчидан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ташкил қилинган ҳудудий комиссиялар томонидан жойларда юзага келувчи масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан механизми мавжуд эмас.

Юқорида тилга олиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш, Ўзбекистонда ЭИЗларни ривожлантириш жараёнларини янги босқичга кўтариш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. Қайси соҳа ва тармоққа инвестиция йўналтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда ЭИЗларни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш.

2. Шу билан бир қаторда, ЭИЗларни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф қиламиз:

✓ амалдаги Маъмурий кенгаш ва ЭИЗ дирекциясининг ваколатларини бирлаштириш, бунда Маъмурий кенгаш ваколатларини ЭИЗ дирекциясига бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бирга ЭИЗ дирекциясининг штат бирликлари сонини кўпайтириш талаб этилади. Юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш ЭИЗ дирекцияси фаолияти самарадорлигининг ортишига, давлат идораларининг ЭИЗ фаолиятига кўп босқичли аралашув тизимининг соддалашувига хизмат қилади.

✓ 5 млн. АҚШ долл.дан ошиқ бўлган инвестицион лойиҳалар бўйича аризаларни кўриб чиқиш ваколатини ЭИЗ дирекциясига бериш, бу ўз навбатида инвесторлар билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш, уларнинг

аризаларини тезкор кўриб чиқилишини таъминлайди. Мазкур вазиятда маҳаллий давлат бошқарув идоралари билан ЭИЗ дирекциясининг ўзаро таъсирлашув доирасини аниқлаштириш талаб этилади. Бунда ЭИЗлар фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб бериш борасидаги ваколатларни Республика мувофиқлаштирувчи кенгашида қолдириш зарур деб ҳисоблаймиз.

✓ Маъмурий ислохотлар концепциясидан келиб чиққан ҳолда, давлат идораларининг иқтисодиётга аралашувини камайтириш мақсадида ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратиб бериш ваколатини ЭИЗ дирекциясига бериш.

3. Ижтимоий инфратузилманинг етарлича ривожланмаганлиги “Сирдарё” ва бошқа ЭИЗни ривожлантириш борасидаги муҳим тўсиқлардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида инвестициялар оқимининг кўпайиши, ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқариш қувватининг экспорт салоҳиятининг ортишига катта салбий таъсир кўрсатади. ЭИЗ дирекцияси уй-жой, маданий объектлар, умумий овқатланиш, чакана савдо шаҳобчалари, спорт-соғломлаштириш ва тиббиёт муассасаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

4. Бугунги кунда мамлакатимизда ЭИЗларнинг иштирокчиларига улар киритган инвестиция миқдоридан келиб чиққан ҳолда, 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга солиқ имтиёзлари берилади. Киритилиши лозим бўлган инвестицияларнинг минимал миқдори 300 минг АҚШ долл. эквивалентини ташкил этади. Бироқ, бугунги кунда бозорда таркиб топган вазият, тадбиркорлик фаолияти ривожининг айна дамдаги ҳолати мазкур маблағ суммасининг бир мунча катта эканлигини ва бу маҳаллий инвесторларнинг иштиёқини сўнишига олиб келаётганлигини кўрсатмоқда. Шу муносабат билан инвестициялар оқимини кўпайтириш, қулай инвестицион иқлимни шакллантириш мақсадида ЭИЗга киритилувчи инвестицияларнинг энг кам миқдорини 100 минг АҚШ долл. эквиваленти қилиб белгилаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

5. ЭИЗларни ташкил этишда асосий мақсад экспорт салоҳиятини оширишдан иборат эканлигини инобатга олсак, бугунги кунда ЭИЗ иштирокчилари ЭИЗдан ташқарида жойлашган корхоналар билан бир хил маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқармоқда ва ЭИЗ иштирокчилари учун яратилган солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланмоқда. Бу ўз навбатида иқтисодиётда носоғлом рақобат муҳитининг қарор топишига олиб келишини унутмаслик лозим.

6. Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, БАА ЭИЗлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз ЭИЗларига инвестицияларни жалб қилишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб этилади. Хусусан, доимий янгиланиб туриладиган, ЭИЗнинг инвестицион салоҳияти билан танишишга имкон берувчи хорижий тилларда саҳифаланувчи, ЭИЗнинг Глобал Интернет тармоғида веб-сайтини яратиш ва реклама кампаниясини ташкил этиш.

7. Давлат мулки ва давлат ташаббускорлиги асосида ташкил этилган ЭИЗлардан аста-секинлик билан хусусий мулкка асосланган ЭИЗларни ташкил этиш амалиётига ўтиш ЭИЗларни ташкил этишнинг замонавий концепциясининг мазмунини ташкил этади. Шунини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда тажриба тариқасида давлат-хусусий шерикчилик асосида ЭИЗ ташкил этилишини мақсадга мувофиқ.

8. Дунё мамлакатлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ҳам ЭИЗлар фаолиятини ривожлантириш мақсадида инглиз ҳуқуқига асосланган “битта мамлакатда иккита тизим” тамойилига амал қилиш ўз ижобий самарасини бериши мумкин.

## Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар тўғрисида жамланма маълумот.

№	Эркин иқтисодий зоналар	ЭИЗнинг умумий майдони (га)	Амалга оширилган лойиҳалар				Амалга оширилаётган лойиҳалар			
			Сони	Умумий қиймати (млн.доллар)	Шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Яратилган иш ўринлари сони (бирлик)	Сони	Умумий қиймати (млн.доллар)	Шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Яратилган иш ўринлари сони (бирлик)
	<b>Жами</b>	<b>18693,8</b>	99	639,2	<b>301,9</b>	6120	356	<b>2048,0</b>	633,8	31269
1	“Навой” ЭИЗ	645,0	28	164,0	49,5	1180	17	102,5	35,1	964
2	“Ангрен” ЭИЗ	14500	23	199,7	163,1	2084	43	638,7	310,7	6933
3	“Жиззах” ЭИЗ	514	16	105,9	54,5	1007	8	267,5	96,9	1292
4	“Сирдарё” ЭИЗ	816	5	12,7	0,0	391	68	317,4	22,5	6601
5	“Ургут” ЭИЗ	67,5	1	0,5	0,0	50	28	87,1	1,0	2660
6	“Ғиждувон” ЭИЗ	709,3	5	7,6	2,7	392	68	163,8	21,4	5255
7	“Қўқон” ЭИЗ	414	3	4,4	1,7	91	15	28,3	0,0	692
8	“Хазорасп” ЭИЗ	149,4	11	125,2	28,1	362	92	401,4	144,8	6083
9	“Нукус-фарм” ЭИЗ	50	0	0,0	0,0	0	3	8,4	0,0	265
10	“Зомин-фарм” ЭИЗ	100	0	0,0	0,0	0	1	5,1	0,0	146
11	“Косонсой-фарм” ЭИЗ	135,8	0	0,0	0,0	0	5	6,7	1,4	0
12	“Сирдарё фарм” ЭИЗ	212,8	0	0,0	0,0	0	0	0,0	0,0	0
13	“Бойсун фарм” ЭИЗ	69,5	0	0,0	0,0	0	6	5,5	0,0	178
14	“Бўстонлик фарм” ЭИЗ	104,5	0	0,0	0,0	0	2	15,6	0,0	200
15	“Паркент фарм” ЭИЗ	206	7	19,2	2,3	563	0	0,0	0,0	0
16	“Балиқ ишлаб чиқарувчи” ЭИЗ	0,0	0	0,0	0,0	0	0	0,0	0,0	0
17	“Бухоро агро” ЭИЗ	0,0	0	0,0	0,0	0	0	0,0	0,0	0
18	“Чорвоқ” ЭТЗ	0,0	0	0,0	0,0	0	0	0,0	0,0	0
19	“Наманган” ЭИЗ	0,0	0	0,0	0,0	0	0	0,0	0,0	0
20	“Спорт” ЭИЗ	0,0	0	0,0	0,0	0	0	0,0	0,0	0
21	“Термиз” ЭИЗ	0,0	0	0,0	0,0	0	0	0,0	0,0	0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги маълумотлари.

## Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ЭИЗларнинг веб-сайтлари контенти таҳлили.

Асосий контент	“Навоий”	“Ангрен”	Жиззах	Ғиждувон	Нукус-Фарм
Сайтнинг инглиз тилидаги версияси мавжудлиги	+	+	+	+	+
Маълумотларнинг янгиланганлик даражаси	+	Меъёрий-ҳуқуқий база ва бир қатор саҳифалар янгиланмаган	Янгиланмаган	+	+
Дирекция тўғрисида маълумотлар	+	+	-	+	+
Маъмурий кенгаш маълумотлари ва таркиби	-	+	-	+	+
Манфаатдор давлат идора ва ташкилотларининг манзил ва маълумотлари	+	+	-	-	-
ЭИЗ иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиби	+	+	-	-	+
Иштирокчи корхоналар учун талаблар	+	+	-	-	+
Лойиҳаларни танлаб олиш тартиби ва мезонлари	+	+	-	-	+
Ер майдонларини ажратиш тартиби	-	+	-	-	+
Маълумотлар сифати	+	+	Етарли эмас	Паст	+
ЭИЗ худудидаги корхоналар тўғрисида маълумотлар	+	-	-	-	+
ЭИЗларнинг жорий фаолияти тўғрисида маълумотлар	-	-	+	-	-
ЭИЗ харитаси, худуд тўғрисида умумий маълумотлар	+	-	-	-	-
ЭИЗ ривожланишининг устуворликлари, инфратузилма, хом ашё ва жойлашув ўрни ҳақида маълумотлар	+	+	-	-	+
Инвестицион таклифлар	+	+	-	-	+
Изоҳ ва қўшимчалар	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар нотўғри. Сайтнинг инглиз тилидаги варианты сифати паст. Ҳужжатлар шакли келтирилмаган.	Боғланиш учун маълумотлар берилмаган. Келтирилган маълумотлар тўлиқ ва ишончли эмас.	Сайтнинг инглизча варианты сифатсиз. ЭИЗ иштирокчилари учун маълумотлар асосан рус тилида берилган. Келтирилган маълумотлар тўлиқ ва ишончли эмас.	Сайтнинг рус тилидаги варианты тўлиқ эмас. Ўзбек тилидаги саҳифаси мавжуд эмас. Дирекция тўғрисида маълумотлар келтирилмаган.	Сайтнинг инглиз тилидаги саҳифаси сифатсиз. Ҳужжатлар шакли келтирилмаган.

Изоҳ: веб-сайтлар таҳлили асосида тузилган. Қолган ЭИЗларнинг сайтлари бугунги кунда мавжуд эмас.

## “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлаштиришга ижобий ҳулоса лойиҳалар.

№	Йўналишлар номи	Лойиҳалар сони	Умумий лойиҳа қиймати	Шу жумладан, молиялаштириш манбалари:			Янги иш ўринлари	Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, млрд.сўм	Йиллик экспорт ҳажми, млн.долл.
				Ўз маблағлари	Банк кредитлари	Хорижий инвестициялар			
	2018 йилда	19	96,1	55,7	21,6	18,8	1172	387	18,3
	2019 йилда	23	148	55,6	73,9	18,5	2274	3259,8	47,2
1	Енгил саноат	0							
2	Чарм-пойабзал саноати	0							
3	Кимё саноати, полимер ва пластик маҳсулотлари	8	58,6	19,6	34,5	4,5	1725	366,3	90,8
4	Мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати	2	3,2		2	1,2	89	167,6	20,3
5	Қурилиш материаллари саноати	16	91,8	30,5	23,2	38,1	1934	2799,7	31,4
6	Фармацевтика саноати	10	148,4	72,2	76,2		834	332,6	1
7	Электротехника саноати	2	4,7	3,6		1,1	145	76,3	1,6
8	Машинасозлик саноати	2	2,8	0,5	0,5	1,9	84	45,1	0,6
9	Холодильник ташкил этиш								
10	Бошқа йўналишлар	2	1,3	0,8		0,5	140	159,3	46,9
	Жами	42	310,8	127,1	136,4	47,2	4951	3946,8	192,6

Манба: “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси маълумотлари асосида қайта ишланган.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.- 40б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1998. 24 декабр. //Солиқлар ва божхона хабарлари.4-сон, 1999.3-б.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5495-сон Фармони.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614 сон Фармони.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5643-сон Фармони.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги "Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 29 - сон Қарори.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5412-сонли Фармони.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятисамарадорлигини ошириш борасидаги кўшимчачора-тадбирлар тугрисида”ги ПҚ-3356 –сонли Қарори

**1.12.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2020 йил 24

январь. **Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

2.1. Белова Л. Г. Инновации в мировой экономике. учебное пособие – М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2018. -148 с.

2.2. Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. – Тошкент: Бактрия прес, 2015. – 583 б.

2.3. Ваҳабов А.В., Хожибакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.-Т.: «Молия», 2010 - 324 б.

2.4. Валиев Б.Б. Иқтисодий ўсишни таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишнинг методологик асослари. Монография. – Т.: 2017. -222 б.

2.5. Друзик Я.С. Свободные экономические зоны в системе мирового хозяйства: Учебное пособие. Мн.: ФУАинформ, 2000

2.6. Абдувалиев А.А. Миллий иқтисодиётда инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асослари //Иқтисодиёт ва таълим//. 2017. №2 -Б.73-78.

2.7. Бозоров Р.Ҳ. Инвестиция муҳити: омиллари, хусусиятлари, баҳолаш усуллари ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш //Иқтисодиёт ва таълим// 2018. №2 -Б.113-123.

2.8. Каримкулов Ж.И., Умирзоқов Ж.А. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш йўналишлари ва халқаро тажрибани қўллаш //Иқтисодиёт ва таълим// 2018. №1 - Б.105-113.

2.9. Казакова М.В., Поспелова Е.А. Качество инфраструктуры как одно из ограничений экономического роста: сравнительный анализ России и стран мира // Экономические отношения// – 2017. – № 3. – С. 247-268.

2.10.Мамараимов И.Р. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожланиш истиқболлари //Иқтисодиёт ва таълим // 2017 №3 - Б.151-155.

2.11.Собиров А. Иқтисодиётга тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш омиллари//Иқтисодиёт ва таълим// 2018. №1 -Б.114-119.

2.12.Эшева С.А. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги роли //Иқтисодиёт ва таълим // 2017 №5 -Б.138-146.

2.13.Валиев Б.Б. Ўзбекистон иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Иқтисод соҳасида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент 2017 . 26 б.

2.14.Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Dsc) диссертацияси автореферати. –Тошкент Банк-молия академияси. 2017. 35 б.

2.15.Пути и механизмы дальнейшего развития и либерализации экономики в свете реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» Материалы IX/ Форум экономистов/ под общей редакции к.э.н. Ахмаджанова Ш.Х. Т.: IFMR.2017.-С.489.

2.16.Стратегия действий республики Узбекистан: макроэкономическая стабильность, инвестиционная активность и перспективы инновационного развития» Сборник материалов международной научно-практической конференции.28-29 мая 2018 года.– Т.: 2018.

### **III.Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

3.1. Е.В. Крюкова“Эффективность функционирования зон с особым экономическим статусом” автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Волгоград-2014.

3.2. Каримов М.М., Ильина Д.Н., Акрамов А.У. Состояние и перспективы развития свободных экономических зон в Республике Узбекистан // Брошюра ПРООН, г.Ташкент, 2015. – С. 61.

3.3. М. Каримов. Свободные экономические зоны Узбекистана - 10 лет развития <https://finance.uz/index.php/ru/mneniya-i-kejsy/4050-svobodnye-ekonomicheskie-zony-uzbekistana-10-let-razvitiya>

3.4. Financial and Insurance Advisory Services (FIAS), the International Finance Corporation (IFC), the Multilateral Investment Guarantee Agency (MIGA) and the World Bank (IBRD).«Special economic zones performance, lessons learned, and implications for zone development». April 2008, p.3.<http://www.fias.net>

#### **Интернет манбалар**

3.5. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

3.6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

3.7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3.8. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)

3.9. [www.invest.gov.uz](http://www.invest.gov.uz)

3.10. [www.spot.uz](http://www.spot.uz)

3.11. [www.uis.unesco.org](http://www.uis.unesco.org).

3.12. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

3.13. [www.biznes-daily.uz](http://www.biznes-daily.uz).